

430

Ўттис олтинчи йил чиқиши
Зулқаъда 1443ҳ
Июн 2021м



Кенг кўламли,
фикрий, сақоғий журнал

Al-Bayan



Ал-Ваъй сўзи

Сисий ўзига нисбатан кучайиб бораётган норозиликни
бартараф қилиш учун миллий диалогга чақирди,
ечим эса, фақат рошид Халифаликдир...

Шундай экан, Мисрдаги куч эгалари ўз динига нусрат
берувчи бўлсинлар

Эрон режимининг
ҳақиқати ва унинг
ҳаракатлари

Демократик Ғарбдаги
сиёсий популизмнинг
кучайиш оқибатлари

Уммат ёшлари ва
мулоҳазасиз (калта-
фаҳм) авлоднинг
шаклланиши



430

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши
Зулқаъда 1443ҳ
Июн 2022м

| |
|----------------------|
| Ливан 1000 лира |
| Яман 30 риёл |
| Туркия 1 доллар |
| Покистон 1 доллар |
| Австралия 2,5 доллар |
| Америка 2,5 доллар |
| Канада 2,5 доллар |
| Германия 2,5 евро |
| Швеция 15 крон |
| Бельгия 1 евро |
| Швейцария 2 франк |
| Австрия 1 евро |
| Дания 15 крон |

Чанду сонга

- **Ал-Ваъӣ сўзи:** Сисий ўзига нисбатан кучайиб бораётган норозиликни бартараф қилиш учун миллий диалогга чақирди... ечим эса, фақат рошид Халифаликдир... Шундай экан, Мисрдаги куч әгалари ўз динига нусрат берувчи бўлсинлар.....3
- Эрон режимининг ҳақиқати ва унинг ҳаракатлари.....11
- Рақамли валюталар27
- Демократик Ғарбдаги сиёсий популизмнинг кучайиш оқибатлари32
- Уммат ёшлари ва мулоҳазасиз (калтафаҳм) авлоднинг шаклланиши.....40
- **Оlam мусулмонлари хабарлари**46
- **Қуръони Карим суҳбатида**54
- **Жаннат боғлари:** Нусрат қучиш ҳамда қиёмат кунига қадар ишнинг қарор топиб, ғолиб бўлиш ҳақида башорат қилган ҳадиси шарифлар... (2).....64
- Тулайха ибн Хувайлид ибн Навфал69
- **Сўнғги сўз:** Канар оролидаги гей фестивал дунёда маймунчечак тарқалишига сабаб бўлди.....71
- Путиннинг Суриядаги шафқатсиз услублари Украинада ҳам такрорланмоқда72

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

СИСИЙ ЎЗИГА НИСБАТАН КУЧАЙИБ БОРАЁТГАН НОРОЗИЛИКНИ
БАРТАРАФ ҚИЛИШ УЧУН МИЛЛИЙ ДИАЛОГГА ЧАҚИРДИ, ЕЧИМ
ЭСА, ФАҚАТ РОШИД ХАЛИФАЛИКДИР...
ШУНДАЙ ЭКАН, МИСРДАГИ КУЧ ЭГАЛАРИ ЎЗ ДИНИГА НУСРАТ
БЕРУВЧИ БҮЛСИНЛАР

Миср иқтисодиёти Россия-Украина уруши туфайли кучайиб бораётган оғир иқтисодий кризисдан азият чекмоқда. Яъни буғдой нархларининг қимматлашиши, Россияга қарши ғарб санкциялари сабабли кемада ташиладиган юк ва нефть нархининг кўтарилиши, шунингдек, парранда гўшти, чорва моллари ва ўғитларнинг Россиядан келиши тўхтаб, Европадан кела бошлиши ва газ нархининг кўтарилиши сабабли уларнинг етиб келиш харажатларининг ортиши... буларнинг барчаси мисрликларнинг турмуш шароитини оғир аҳволга солиб қўйди. Ҳукумат олиб бораётган муваффақиятсиз иқтисодий сиёsat ва четдан олаётган фоизли қарзлар вазиятни янада мураккаблаштироқда. Чунки ҳукуматнинг бу қарзларни тўлашга ожизлиги уларнинг аслини эмас, балки фоизини тўлашга асир қилиб қўйди. Фоизли қарзлар қанчалик кўпайган сари, миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ошиши ва одамлардаги харидорлик қувватининг озайиши каби муаммолар ҳам ортиб бормоқда... Ҳукуматдагиларнинг порахўрлиги, даллоллиги, халқ мулкини ўғирлаши ва исрофгарчилигини айтмаса ҳам бўлади. Одамлар яхши билишадики, расмийлар ўша фоизли қарзларнинг бир қисмини ўғирлаб, тўлаш вазифасини давлатга юклашади. Бу қарзлар давлатга тушаётган солиқларнинг ярмидан кўпини еб қўймоқда ва давлатда дефицит ҳолатини пайдо қилмоқда. Муаммони янада мураккаблаштираётган нарса одамларнинг бошига доимо мусибат келтирган Халқаро Валюта Фондига таяниб, унинг шартларига бўйсунишдир... Мазкур иқтисодий танг вазият ҳамда Мисрдаги одамлар ушбу вазиятнинг масъулиятини ҳокимиётдагиларга юклashi президент

Абдулфаттоҳ Сисийнинг хавфсизлик қуролларидан бири бўлган миллий хавфсизлик раҳбарларини хавф-хатарни ҳис қилишга ва Сисийни инсонларнинг ғазабидан, ҳамда халқ портлаши юз беришидан огоҳлантиришга ва бу билан жиддий шуғулланиши лозимлиги ҳақида маслаҳат беришга мажбур қилди...

Шу муносабат билан Сисий 2022 йил 26 апрелда Миср оиласи йиллик нонуштаси чоғида миллий мулоқот ўтказиш таклифини ўртага ташлади ва барча сиёсий кучларни ушбу шартларни ўрганиш ва ҳал қилиш учун унда иштирок этишга чақирди. Таъкидлаш жоизки, ушбу таклифдан тегишли вазирликлар бехабар эди. Чунки улар бу ҳақда олдиндан хабарга эга бўлмади ҳамда мулоқот, ечимлар ва иштирокчилар учун ўз тасаввурларини билдиришлари улардан талаб қилинмади. Бу шуни англатадики, бу ишларга тайёргарлик кўриш, иштирок этиш, кун тартиби ва мақсадлар разведка хизматлари томонидан тартибга солинган. Демак, бу жиддий эмас, балки фақат ташвиқот, холос... Бундан ташқари, одамлар унга ишонмайди. Сисий барча сиёсий кучларни «ажратмасдан ва истисносиз» мулоқотга чақирмоқда. Лекин маълумки унга қарши бўлган кучлар ё қамоқда, ё хорижда. Шунинг учун таклиф этилганлар ўзининг атрофидаги югурдаклари... У соҳтакорлик билан одамларни ишонтириш учун Росулуллоҳ  сийратидан иқтибос келтириб бундай деди: «Набий  саҳобалар билан бирга Абу Толиб қавмида уч йил қамалда қолди. Улар егулик ва ичимликлардан маҳрум қилинди, ҳатто дараҳт баргларини истеъмол қилишга мажбур бўлишди». У яна қўшимча қилиб: «Саҳобалардан ҳеч бири фаришталарга айтинг, бизни овқатлантиурсин ва остимиздан анҳорлар оқизсин, демади, ҳолбуки, Аллоҳ бўл деса бўлар эди. Энди, биз қаерда-ю, улар қаерда», деди... Айни пайтда у қонунга зид деб, масжидларни бузишга буюрмоқда, вақф ишлари вазири эса одамларнинг рамазон ойида рўза тутишиши ва масжиdda эътикоф ўтиришига тўсқинлик қилмоқда. Биз унинг Мисрдаги иқтисодий ва майший кризисни ҳал қилиш учун Ғарб дунёқарашини қабул қилаётгани ва исломий ҳукмлардан нафратланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Унинг қўйидаги

сўзларидан буни билиб олса бўлади: «Мисрдаги иқтисодий тараққиётнинг ҳажми аҳолининг ўсиш миқдорига тўғри келмайди. Шунинг учун биз давлат тараққиёти ва аҳоли сонининг ўсиш ўртасидаги жарликни қисқартиришга ҳаракат қиляпмиз. Агар аҳоли сонининг ўсишини тўхтатмасак, иқтисоднинг яхшиланишига эриша олмаймиз»... Сисийнинг бу мулоқотга чақиришидан мақсади муаммога ечим топиш эмас, балки ўзига қарши норозиликларни жиловлашдир... Ҳақиқатан ҳам, хавфсизлик хизмати раҳбарларининг аниқлашича, мисрликлар Твиттерда (Ийд қўзғолон кунидир) хештегини биринчи мақомга чиқиши учун кучли тарзда қўллаб-қувватлашган ва бу вақф вазирининг қарорини рад этиш учун бўлган. Бу қарорда рамазон ҳайити намозини унинг такбирлари бошланганидан сўнг атиги етти дақиқа давомида ўқиб бўлиниши шарт қилинган эди. Қарорда бундан ташқари ҳайит намози фақат жума ўқиладиган катта масжидларда адо қилиниши ҳам айтилган. Шунинг учун айтиш мумкинки, Сисий ва унинг хавфсизлик идораси ўзларига қарши янги қўзғолон муҳитида яшамоқдалар. Масала эса, барчанинг наздида фақат вақт масаласи бўлиб қолган... Бу Сисийнинг мулоқот борасидаги чақириғидир. Шундай экан, унинг шаръий ҳукми нимадан иборат?

Аввалига шуни айтамизки, бундай вазиятга тўғри тарзда қарши туриш долзарб масалага айланган. Шу пайтгача, одамларнинг Сисий, унинг режими ва хавфсизлик аппаратига қарши норозилик ҳаракатлари ва қўзғолонларининг самараси оз бўлди. Чунки Мисрдаги хавфсизлик хизматлари қўзғолон сафига кириб олиш, инқилоб номи билан одамларни ўлдириш, ўғирлаб кетиш, тажовуз қилиш, улар орасига малай гуруҳларни жойлаштириш, арzonгаров уламолар орқали фатволар чиқартириш ҳамда саҳнада етакчилик қилиши учун ўз тарафдорларини олға суриш борасида катта малакага эга. У Робиа ва Наҳза майдонларида амалга оширган қирғинларини ҳеч қандай тўсиқларсиз осонгина қайта тақрорлаши мумкин... Шунга кўра, одамларни улар тушиб қолган торлиқдан ўз динларининг кенглигига олиб чиқишга қодир, уюшган, онгли ва холис исломий фаолият олиб борилиши зарур. Чунки бусиз нажот бўлмайди. Дарҳақиқат, Мисрдаги мусулмонлар

Аллоҳнинг шариатини қоим қилиш орқали У Зотни рози қиласиган ишни қилишлари вақти келди. Ҳозир мuloқot даври эмас. Чунки бу таклиф режимнинг умрини узайтиради. Шунингдек, масала қамоқдагиларни озод қилиш ҳам эмас... Режим учун энг осон иш бу қамоқдагиларни озод қилишидир. Саҳна кўриниши ўз ниҳоясига етгандан сўнг яна уларни икки баробар кўпроғини қамайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, бу жуда катта ва оғир майший кризис бўлиб, Миср ҳукумати ўз халқини тиз чўктиришни таъминлаш учун ўнлаб йиллар давомида Америка кўрсатмаларига биноан олиб борган бузғунчи иқтисодий сиёсатнинг натижасидир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, одамларнинг турмуш тарзини чеклаш сиёсати Американинг изчил глобал сиёсати бўлиб, у дунё мамлакатлари имкониятларини АҚШ манфаатининг асирига айлантиришга ва ушбу мамлакатлардаги ҳар қандай барқарор ривожланишини фалаж қилишга олиб келади. Миср режими мусулмон юртлардаги бошқа коррупциялашган режимлар каби, ўз иқтисодий сиёсатини паразит иқтисодиёт устига ҳамда хориждан кенг импорт ва тараққиётни барбод қилувчи ташқи судхўрлик қарзлари устига қурган. Модомики, режим оламшумул шафқатсиз саккизоёқ капиталистик тузумнинг қуршовида қолар экан, унинг ҳар қандай уринишлари беҳуда кетаверади. Чунки жиддий муолажа бундай аҳмоқона конференциялар билан эмас, балки режимни ўзгартириш, уни капиталистик тузумдан озод қилишдан бошланиб, порахўр ҳокимларни ўзгартиришгача етиб борадиган тубдан ўзгартириш йўли билан бўлади. Аммо ечимни ушбу режимдан кутиш аҳмоқликдир. Зотан ҳеч ким ечимни ушбу ҳукмрон бузуқ сиёсий элитадан ёки ушбу репрессив хавфсизлик идорасидан келишига ишонмайди. Шунингдек, ўзининг барча сиёсатларини мустамлакачилик асосида юргизадиган халқаро кофир низомга бўйсунадиган ва мусулмонларга қарши курашишни ўз бўйнига олган ҳамда уларни исломий бошқарув остида яшашдан тўсадиган бошқарув низомидан келишига ҳам ҳеч ким ишонмайди. Чунки барчамиз Сисий ва унинг режими етакчилик қилаётган ва мусулмонларга қарши қаратилган ёвуз урушнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Сисий позициясининг ҳақиқатини ва унинг

бошқа йўналишда турганини тасдиқлайдиган нарса шундан иборатки, у ушбу қийин вазиятдан чиқиб кетишга ёрдам беришлари учун яҳудий дўстларини халқаро ҳамжамият ўртасида воситачилик қилишга таклиф қилди. Улар Сисийнинг даъватига «лаббай» деб жавоб бериб, Исломга қарши урушда улар билан бирга бўлишдан воз кечиш мумкин эмаслигини таъкидлашди. Худди шунингдек, Форс кўрфазининг бадбахт ҳокимлари қарз, совға ва омонатлар билан унга ёрдам бериш учун шошилишди. Лекин улар кеч қолишли.

Сисийга тақдим қилинаётган барча ташки ёрдамлар вақтинчалик оғриқ қолдирувчи доридан бошқа нарса эмас... Миср халқини тўғри бошқарув низоми ҳамда уларга қалқон бўлиб, уларни бошқарадиган ва ўзларидан ҳам суюкли бўлган солиҳ етакчи халос қила олади... Ушбу даҳшатли кризис Мисрдаги содик халқ учун компасни ўз динлари томон тўғри йўналтиришлари учун бир имкониятдир. Агар улар ушбу имкониятдан тўғри фойдалансалар, ўзлари тушиб қолган вазиятдан нажот топадилар. Бугун нафақат Миср, балки барча исломий юртлардаги мусулмонларни қутқариш учун талаб қилинган нарса барча мусулмонларни бирлаштирувчи вужудни қоим қилишдир. Улар бу ишни Мисрдан бошласинлар ва Миср ушбу замонда Аллоҳнинг динига нусрат берадиган ерга айлансин.

Ҳа, бугун мусулмонлар улар орасида рошид исломий бошқарувни қоим қиласидиган кишиларга муҳтоҷ. Эҳтимол Миср бу ишда бошқа мусулмон юртлар ичida пешқадам бўлар. Чунки у ерда Исломий шахслар қўзғолон даврида бошқарувга чиқсан эди. Лекин уларга бошқарувни ўз қўлларида олиб қолишига имконият бермаган ҳалокатли хатолардан бири шу эдики, улар ичкаридаги эски режимни қўриқчилари билан алоқани узмадилар. Шунингдек, хавфсизлик хизматлари давлат бўғинларига қанчалик кириб борганини эътибордан четда қолдирган эдилар. Чунки хавфсизлик хизматларининг таъсирига чек қўйиш учун уларнинг қанчалик чуқур ўрнашганини идрок қилишлари лозим эди... Бундан ташқари, улар хорижий давлатлар билан мумалаларини йирик давлатлар манфаатига ишлайдиган ва Ислом ҳаром қилган халқаро қонун ҳамда халқаро

шартномалар асосида барпо қилишди. Уларнинг бошқарув ҳақидаги тасаввурлари рошид Халифаликни барпо қилиш даражасига чиқмаган эди... Миср у ерда Аллоҳнинг ҳукмини қандай қоим қилишни биладиган ҳамда Рошид Халифалик давлатини қоим қиласиган кишиларга мұхтож. Ана шунда у мавжуд бошқарувни ўзгартириб, Ғарб ўрнатган эски алоқаларни узади ва унинг барча таъсирларини бартараф қиласиди.

Эй Кинона юрти ва нусрат юрти бўлмиш Мисрдаги мусулмонлар:

Мисрдаги ўзгартириш мавзусининг қадамлари шаръий бўлиши ва Росууллоҳ нинг ўзгартиришдаги йўлига мувофиқ бўлиши лозим. Бу борада аксар нарсалар рўёбга чиқиб бўлган, масалан Мисрдаги барча мусулмонлар Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритилишини хоҳлайдилар. Шунингдек, улар Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликнинг барпо бўлишини хоҳлайдилар. Буни ҳатто Уммат душманлари ҳам тан олишади. Шариатни ҳакам қилиш тўғрисида миллионлаган одамлар намойиш қилганига ҳали узоқ вақт бўлмади... Мана ўз сўзига содик Ҳизб ут-Таҳрир жамоаси Пайғамбаримиз нинг

«مُمْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»

«Сўнgra Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», деган башоратлари асосида рошид Халифаликни барпо қилиш учун фаолият қилмоқда. Ҳизб Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али лар даврида бўлганидек Халифалик давлатини барпо қилишга ҳаракат қилмоқда. У ўзини ушбу улкан фарзни қоим қилиш учун бағишлади. Бу даъватда Ҳизб катта малакага, мустаҳкам лангарга ва сабр-қаноатга эга. Ҳизб бу йўлда дин аҳкомларини маҳкам тутиб, ундан бир қарич ҳам оғишмай ҳаракат қилмоқда. У пухта режа тузиш ва Аллоҳга гўзал таваккал қилиш билан мақсадга этиш йўлига кафил бўлади. Чунки Ҳизб йирик давлатларнинг ғаламисликлари, ҳокимларнинг ҳийла-найранглари ва хавфсизлик хизматларининг фитналаридан хабардордир... Пайғамбар саҳобаларни Маккада ўз қўллари остида ишни қоим қилишга яроқли қилиб тайёрлаганидек, Ҳизб ҳам ўз аъзоларини тайёрлай олди. У яна Ғарб сақофати ва одамлар

томонидан чиқарилган қонунлардан таъсирланмаган ҳолда, фақат Ислом билан ҳукм юритадиган исломий конституцияни ҳам ишлаб чиқди. Бу дастурнинг ҳукмлари йиллар давомида ўрганиш ва тўғрилаш орқали оламшумул Исломий давлат конституцияси бўлиш даражасига етди. Ундаги аҳкомлар замонамиз муаммоларини муолажа қилиш билан одамларни мустамлакачи капиталистик давлатларнинг бошқарув режимлари бузуқлиги ва зулмидан халос қиласди.

Ислом давлатини барпо қилиш учун Росууллоҳ Ҳизбнинг тариқатига мувофиқ ҳаракат қилаётган ушбу Ҳизбнинг олдидаги охирига етказилмаган битта иш қолди, у ҳам бўлса, Халифаликни барпо қилиш учун ушбу замондаги куч ва иймон аҳлидан бўлган нусрат аҳлини касб қилишдир. Ҳизб худди Росууллоҳ Ҳизбнинг нусрат талаб қилганидек нусрат талаб қилмоқда ва Росууллоҳ Ҳизбнинг ансорлар ёрдам берганидек ансорлар чиқиши учун жидди-жаҳд билан фаолият қилмоқда. Яъни жидди-жаҳдлари ўз мевасини бериши учун тартибли ҳаракат қилмоқда. У Аллоҳга таваккал қилиб, мусулмонлар устида бўлаётган воқеалардан рози бўлмайдиган ва Аллоҳнинг ҳукмидан бошқасига унамайдиган мўминларнинг қалбини ўзи учун очиб беришини У зотдан сўрайди... Шундай экан, орамизда Аллоҳ Таоло Қуръони каримда муҳожирлар билан бирга «Улар ҳақиқий мўминлардир» деб сифатлаган ансорлар ҳақида эшитмаган киши борми?! Пайғамбаримизнинг сийратида улар ҳақида келган муаттар хабарларни ўқимаганлар борми?!

Ҳа, Ҳизб Росууллоҳ Ҳизбнинг ибрат олган ҳолда, армиядаги мўмин ва холис бўлган зобитлардан нусрат талаб қилишда тўхтамайди, чунки улар куч ва нусрат эгаларидир. Улар ҳам режимнинг зулми ва фасодидан худди одамлар қийналганидек қийналишмоқда. Шунингдек, одамлар Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилишдан йироқ бўлганлиги сабабли азият чекаётганидек улар ҳам бундан азият чекишишмоқда... Ҳизб уларни ушбу замонда Аллоҳнинг ансорлари бўлишларига чақирмоқда... Ҳизб Росууллоҳ Ҳизбнинг эргашган ҳолда уларни қидираётгани каби улар ҳам Ҳизбни қидиришлари лозим. Шунингдек, армиядаги ҳар бир зобит Сисийга эмас, балки динга ёрдам берувчи бўлиши ҳамда

Аллоҳ ва Росулига холис амални биргаликда қилишлари учун ҳамкасб зобитларни излаб топиши лозим. Токи, у Аллоҳнинг ансори деб номланишга ва Саъд ибн Муоз, Асъад ибн Зурора ва Усайд ибн Хузайр нинг сийратига лойиқ бўлсин... Агар шунга лойиқ бўлишса, улар қандай ҳам яхши кишилардир. Чунки уларнинг дунёю охиратдаги мартабалари Росууллоҳ нинг ансорлари мартабаси билан бир хил бўлади. Агар ушбу мартабанинг қанчалик юксаклигини билмоқчи бўлсангиз, Пайғамбаримизнинг сийратига мурожаат қилинг. Албатта Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик Аллоҳнинг изни билан яқинда барпо бўлади. Росууллоҳ 

«**لَمْ تَكُنْ خِلَافَةً عَلَى مِنْهاجِ النَّبِيِّ**»

«Сўнгра Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади», дедилар. Имом Аҳмад Муснади. Шундай экан, Миср Халифаликка нусрат берадиган ва уни барпо қиласиган ер бўлсин. □

Ал:Ваъй журналининг 429-сонида келган хатони тўғрилаш:

429-сонда келган «Эрдоган Америкага малай, Ислом ва мусулмонларга хоин ҳамда биринчи даражадаги илмонийдир» номли мақолага тузатиш киритилди. Чунки ушбу мақоланинг кўп жойида «Эрдоган Американинг малайи» деган ибора келган... Лекин биз биламизки, Ҳизб ут-Таҳрир Эрдоган Америкага малай эмас, балки унинг орбитаси атрофида айланади (яъни таъсири доирасида) деб билади. Биз яна Ҳизбнинг сиёсий тушунчалари тўғрилиги, таҳлиллари чуқурлиги ҳамда ҳукм чиқариш ва таъбир танлашда нозик фикрлашини биламиз... Биз эътиборсизлик туфайли ва мақоланинг лафзларини чуқур ўрганмаганликдан ушбу хатога йўл қўйибмиз. Мазкур хатога эътибор қаратган кишиларга ўз миннатдорчилигимизни билдiramiz.

ЭРОН РЕЖИМИНИНГ ҲАҚИҚАТИ ВА УНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

Мұхандис Мұхаммад Мустафо – Яман

Араб ярим ороли ва Форс юртлари исломий фатхлардан бери Исломий давлат таркибидағи яхлит географик мінтақа ҳисобланады. Форс юртлари узоқ асрлар, яғни саккиз юз йилга қадақ исломий ҳукм остида ҳаёт кечирди ва йирик мусулмон уламоларни етиштириб чиқарди. Ҳатто нахвшунос олимлар имоми Сибавайхнинг келиб чиқиши хам форслардан бўлган. Сибавайх сўзининг форсча маъноси олма ёки ўттиз ҳидли маъносини билдиради. Бу ҳолат 1501 йилда ташкил топган Сафавийлар давлати ўз мазҳабини Эрон ерларига куч билан жорий этгунга қадар давом этди. Уларнинг етакчиси Исмоил Сафавий эди. Бу давлат ўз мазҳабини куч билан ўрнатгани учун мусулмонлар ўртасида мазҳаблар аро низони пайдо қилди. Натижада Халифа Салим биринчининг даврида Усмоний Халифаликка қарши урушга кирди. Бу уруш 1722 йилгача давом этди. Шунинг учун бугун Сафавий Эрон деган сўзлар қулоғимизга чалиниб қолади. Бу ўша Сафавийлар давлатига нисбатан айтилади. Улар амалга оширган ишлар бугунги кунда Эрон режимининг ўз мазҳаби ва фикрини куч билан ўрнатишига ўхшайди.

Охириги Эрон шоҳининг ҳукмронлиги:

1921 йилда Эронни Қожарлар сулоласининг охириги шоҳи Аҳмадшоҳ Қожар бошқарар эди. Бу сулола Эронга 150 йил ҳукмронлик қилди. Аҳмадшоҳ Қожар ҳукмронлигининг сўнгги даврида Зиёуддин Табатабай қурол кучи билан, яғни ҳарбий инқилоб билан бош вазир лавозимини эгаллади. Бу инқилобни ҳарбий жиҳатдан Ризо Паҳлавий бошқарар ва унга бу ишда Британия ёрдам берар эди. Кўп ўтмай Ризо Паҳлавий Табатабайдан қутулиб, уни чет элга сургун қилди. Шунингдек, у Аҳмадшоҳ Қожардан ҳам қутулиб, 1925 йилда олий маслаҳат кенгашини, ўзини Эронга шоҳ қилиб тайинлашга мажбур қилди. Натижада Эрон ҳокимиятини қўлга олиш учун ҳарбий инқилоб юз берди.

1934 йилда Ризо Паҳлавий Форс юртининг номини Эрон деб ўзgartирди. Шундай қилиб, Эрон милоддан 2000 йил олдин пайдо бўлган олий ирқ қабиласига нисбат бериладиган бўлди. Британия малайи бўлмиш Ризо Паҳлавий диний кўринишларга қарши курашди. Унинг бошқарув даври Германияда Гитлер чиққунигача йигирма йил давом этди. Паҳлавий Гитлерга хайриҳоҳлик

билиргач, Британия уни 1941 йилда Эрондан сургун қилди. Паҳлавий чет әлга сургун қилингач, ўша йилнинг ўзида Британия қўрсатмаси билан унинг ўғли Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳокимиятга келди. Британия Муҳаммад Ризо Паҳлавий бўйруқдан ташқарига чиқмаслигини билар эди. Маълумки, биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари ерларни мустамлака қилиш ва нефть учун бўлган эди. Эронда эса, улкан нефть захираси бор эди. У дунё бўйича нефтнинг тўртдан бири ва газнинг ярмига эгалик қиласи эди. Шунинг учун Британия Эронда нефть қазиб олиш учун (Англо-Форс) нефть ширкатини таъсис этди. Шундай қилиб, Британия Эроннинг охирги шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳомийлигидаги Эрон нефтини эгаллаб олди.

Эрон нефти ва 1953 йилги инқилоб:

Бошқарув жиҳатидан Шоҳ режими конституциявий монархия эди. 1951 ва 1953 йиллари сайланган бош вазир Муҳаммад Мусаддақ Эроннинг нефть саноатини миллийлаштириш ҳаракатига раҳбарлик қилди. Бу ҳаракат Эронда халқ қўллаб-қувватловига эришди. Парламент ҳам Эрон нефтини миллийлаштиришга овоз берди ва Британия етакчилигидаги ажнабий ширкатлар вакиллари мамлакатдан чиқариб юборилди. Натижада, Британия Эрон нефтига глобал бойкот эълон қилиб, Эронни иқтисодий қамал қилишга ҳаракат қилди. Лекин бевосита ҳарбий амалиётга киришишдан ўзини олиб қочди. Муҳаммад Мусаддақ Британия элчихонасини ёпиб, унинг барча вакилларини мамлакатдан чиқариб юборди. Бу эса Британияни Муҳаммад Мусаддақни ағдариш учун Америкадан ёрдам сўрашга мажбур қилди. Икки давлат Эрон нефтини тақсимлаб олиш учун «Аякс операцияси»ни амалга оширишга келишиб олишди. Британия разведкаси ушбу операцияни амалга ошириш учун МРБ билан ҳамкорлик қиласидиган бўлди. Шундай қилиб, Америка Эроннинг ишларига аралаша бошлади.

2013 йил август ойида Америка ҳукумати Мусаддақ ҳукуматини ағдарган 1953 йилги инқилобни режалаштириш ва амалга оширишдаги МРБ ролини расман тан олди. Америка унинг яширин ҳужжатларини ошкор қилди ва бу инқилоб АҚШнинг хориждаги манфаатларини ва Британиянинг Эрон нефть саноатини қайта қўлга киритиш истагини ҳимоя қилиш учун бўлганини тан олди. Аякс операцияси ўз ниҳоясига етгач, Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий қайта ҳокимиятга келди. У Ироқ орқали Британияга

қочиб ўтган эди. Шундай қилиб, Ғарбнинг энг катта малайи қайтиб келиб, Эронни яна 25 йил давомида зўравонлик билан бошқарди.

1979 йил Хумайний инқилоби:

Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий Эронни армия кучи ва САВАК хавфсизлик идораси орқали репрессив тарзда бошқарди. Бу даврда Шоҳ давлатни илмонийлаштириш, Ғарб сақофатини жорий қилиш ва Ғарб билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга қаттиқ ҳаракат қилди. Натижада, Эроннинг Хумайн минтақасидан унга қарши шахс пайдо бўлди. У Мустафо Хумайнийнинг ўғли, Оятуллоҳ Хумайний номи билан танилган Рӯҳуллоҳ эди. Унинг отаси Мустафо Хумайний диний арбоблардан бўлиб, 1902 йили Шоҳ Музаффаруддинга тобеъ аскарлар томонидан қатл қилинган эди. Шунинг учун унинг ўғлида Шоҳ оиласига нисбатан нафрат пайдо бўлди. Эрон халқи бошдан кечираётган зулм, истибодд ва репрессия даврида ҳамда Муҳаммад Паҳлавий тарафидан жамиятни ўзгартиришга ва очиқ тарзда илмонийлаштиришга ҳаракат қилинаётган даврда Оятуллоҳ Хумайнийнинг сўзлари барчага манзур келар эди. Чунки Эроннинг мусулмон халқи Паҳлавийнинг ишларини хоҳламас эди. Натижада таниқли дин уламоси бўлган Хумайний одамлар кўз ўнгида тезда қаҳрамонга айланди. Хумайний ўзининг Шоҳ бошқарувига қарши экани ва у жорий қилаётган қонунлар Қуръонга зидлиги ҳамда уларнинг ортида яҳуд ва сионистлар тургани ҳақидаги маърузаларини тасмаларга ёзиб, уни одамларга тарқатди. 1963 йил Хумайний ва бошқа мухолафат вакиллари ҳибсга олиниб, қамоқча ташланди. Бунинг ортидан намойишлар бошланиб кетди. Натижада у қамоқдан бўшатилиб, уй қамоғига ўтказилди. Унинг тарафдорлари кўп бўлгани учун 1964 йили мамлакатдан ташқарига сургун қилинди. Аввал Туркия, сўнгра Ироқقا борди ва Нажафда қўним топди. У ерда ҳам ўз тарафдорларини топди ва илми толиблар унинг олдига қатнай бошлади. Хумайний ўз талабалари орқали тасмаларни Эронда тарқатишда давом этди. Хумайнийнинг ўғли Мустафонинг ўлдирилиши халқ орасида оммавий намойишлар ва кенг кўламли норозиликларга сабаб бўлди. Ироқ давлати Шоҳга ҳужум қилишни тўхтатиш учун Хумайнийга босим ўтказди ва уни Кувайтга кетишга мажбур қилди. Лекин Кувайт уни қабул қилишдан бош тортди. Шунда Хумайний Францияга йўл олди ва ўша ерда қўним топди. Эрон халқи ва Шоҳ режими ўртасидаги кураш давом этди. Хумайний Одамларни қўзғолонга ҳамда Шоҳ

сиёсати ва Паҳлавийлар оиласи бошқарувини инкор қилишга ундашни тұхтатмади. Франция президентининг шахсан үзи Парижда Хумайнийни қабул қилди. Бу эса, Хумайнийга Франция оммавий ахборот воситалари орқали эркин гапиришига йўл очди. Шундай қилиб у ўз фикрлари ва Шоҳга қарши ҳужумларини амалга ошириш имконига эга бўлди.

Хумайнийнинг Ғарб билан бўлган алоқаси:

Хумайний Францияга боргач, Франция президенти уни қабул қилиб, унга яшаш ҳуқуқи ва омонлиқ берди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали дунё билан боғланиш, разведка ва Ғарб элчилари билан учрашишга имконият яратиб берди. Бу мустамлакачи давлат бир фақиҳ ва «исломий» деб аталмиш инқилоб раҳбарини бекорга қўллаб-қувватламади. Чунки у Хумайнийнинг қўлидаги лойиҳа Ғарбнинг жаҳондаги халқаро мустамлакачилик ҳукмронлиги доирасидан ташқарида эмаслигини билар эди. Шунингдек, Хумайний кўтараётган шиорлар ўзлари тасаввур қилган нарсадан бошқача эмаслигини ҳам яхши билар эди. Америка сўнгги пайтларда Эрон инқилоби раҳбари Хумайний билан бўлган яширин алоқалар ҳақидаги ҳужжатларни ошкор қилди. Ҳужжатларда айтилишича, Хумайний ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан тортиб, то Париждан Техронга келиб, 1979 йил инқилобни эълон қилгунига қадар Америка ҳукумати билан алоқада бўлган (Ўрта шарқ газетаси). МРБ тарқатган ҳужжатга кўра, Хумайний 1963 йил ноябр ойлари бошларида Эронда қамоқдан чиққанидан бир ой ўтиб Американинг собиқ президенти Жон Кеннеди билан ўзаро яширин мактуб ёзишган. Хумайний ўша мактубларда АҚШдан унинг оғзаки ҳужумларини нотўғри талқин қилмаслигини илтимос қилган, чунки у Американинг Эрондаги манфаатларини ҳимоя қилишини айтган. Ҳужжатларга қараганда, Хумайний инқилобдан бир неча ҳафта олдин, яъни 1979 йил 10 январда Жимми Картер маъмурияти билан ҳам билвосита тиғиз алоқада бўлган. Ўшанда у Ғарбга нефть етказиб беришни тұхтатиб қўймаслик ва инқилобни қўшни давлатларга ёймаслик ҳамда Америка ҳукумати билан дўстона муносабатлар ўрнатиш мажбуриятини зиммасига олган. Хумайнийнинг Жимми Картерга ёзган иккинчи мактубида у ҳеч қачон АҚШга қарши чиқмаслигини таъкидлаб бундай дейди: «Яқинда биз билан Америка ўртасида ҳеч қандай адоват бўлмаслигига ҳамда исломий қонунлар ва фалсафага асосланган

исломий республика тинчлик ва инсоний ёрдамга ҳаракат қиладиган инсоний ҳукумат бўлишига гувоҳ бўласизлар». Хумайнийнинг АҚШнинг икки президентига ёзган мактуби у Америка манфаатларини риоя қилганини таъкидлаб турибди. Мактубларнинг биринчиси Хумайний қамоққа олинишида юзага келган қўзғолондан ва Ироққа сургун қилинишидан олдин бўлса, иккинчиси Эрон инқилобидан кейин ёзилган. Ҳар иккиси ҳам Хумайний минтақадаги Америка ва Фарбнинг манфаатларини ҳимоя қилганини таъкидлайди. Агар Американинг Эрон армиясидаги генералларини жиловлаш орқали сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ёрдами бўлмаганида Шоҳ ағдарилиб, унинг ўрнига Хумайний келмаган бўлар эди. Агар коммунизмнинг кенгайиши хавф солиб турган бир пайтда, Фарб Хумайнийдан маълум даражада рози бўлиб, унга ишонч билдирмаган ва йўлланма бермаганда эди инқилоб амалга ошмас эди.

Роберт Кармен ўзининг (Хумайний чангалидаги гаров) номли китобида, Доктор Мусо Мусавий ўзининг (Бахтсиз инқилоб) китобида, тадқиқотчи Аҳмад Маҳоба ўзининг (Тож ва салла ўртасидаги Эрон) номли китобида шундай ёзади: (Америка Шоҳ ҳукуматини ағдаришни хоҳларди, бунинг учун Эрондаги айrim инқилоб ташкилотчилари билан боғланди. 1977 йилдан бошлаб Америка шоҳга қарши мухолифатни ва Хумайний атрофида тўплangan кишиларни яширинча қўллаб-қувватлай бошлади. Дарҳақиқат, Америка миллий хавфсизлик кенгаши раиси Бзежинский «Исломий ақидапарастлик коммунизмга қарши кўрғондир, шунинг учун коммунизмнинг исломий оламга кириб келишини олдини олиш учун исломий ақидапарастликни қўллаб-қувватлаш даркор. Вашингтон Яқин Шарқдаги Исломдан келиб чиқадиган кучни олқишлиши керак. Чунки у минтақадаги Совет иттифоқини қўллаб-қувватловчи кучларга қарши мафқурадир», деган эди)!!!

Эрон-Ироқ уруши:

Хумайний кўрган биринчи уруш Ироқ билан бўлган урушдир. Саддам Ҳусайн Хумайнийнинг инқилобни Ироққа ҳам ёйиш ниятида эканини ва Ироқда Хумайнийни қўллаб-қувватловчи шиалар кўплаб топилишини билар эди. Шунингдек, уни курдлар қўллаб-қувватлаши ҳам унга яхши маълум бўлган. Шу боис, Саддам Ҳусайн саккиз йил давом этган, экин ва наслларни ҳалок қилган ушбу қонли урушга киришди. Бу ерда бошқа сабаблар ҳам

мавжуд, улардан бири Эрон ва Ироқ талашаётган Шаттул Араб минтақаси устидан ҳукмронликни кучайтириш эди. Бу минтақа нефтга бой бўлиб, Дажла ва Фурот дарёлари туташадиган ерда ва Араб кўрфази яқинида жойлашган. Саддам Ҳусайн етакчилигидаги Ироқ режими 1975 йилда Нил шартномасини имзолаган, унга кўра Шоҳ бошқаруви давридаги Эрон режими билан Шаттул Араб минтақаси устидан бўлган ҳукмронликни тақсимлаб олиш бўйича келишиб олишган эди. Бироқ Эрон ерлари томон унинг биринчи ҳарбий ҳаракатлари Эрондаги Шаттул Араб қисмини назорат остига олишга қаратилган эди. Бу урушда нефть ва сиёсий стратегик манфаатлар борлиги туфайли Америка бошчилигидаги ғарбнинг позицияси нейтрал бўлди. Ўша манфаатлардан бири Яқин Шарқда кучайиб бораётган икки кучни ташкил этувчи Эрон ва Ироқ режимларини заифлаштириш эди. Шунингдек, Араб кўрфази минтақасида навигация эркинлигини таъминлаш ва нефть қазиб олишни кафолатлаш баҳонасида минтақада ҳарбий вужудини кучайтириш ҳамда Эрон хатари баҳонасида Кўрфаз давлатларига қурол сотиш ва Кўрфаз давлатларини мустаҳкам хавфсизлик тизимиға эга бўлиш зарурлигига ишонтириш ҳам мазкур манфаатлар жумласидан.

Эрондаги тузум:

Хумайний инқилобидан кейин Эрон тузуми Шоҳ раҳбарлик қиласидан конституцион монархиядан исломий республика бошқаруви номли тузумга алмашди. Ушбу янги тузум бу мамлакатда ҳокимиятни ўзида мужассам этган учта мустақил ҳокимиятда гавдаланади: Улар қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро қилувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятларидир. Конституциянинг 57 ва 60 моддаларига кўра, уларнинг барчаси олий раҳнамо назорати остида бўлади. Биз кўриб турибмизки, бу низом алоҳида ҳокимиятлар фалсафасига асосланган, ғарбдан кириб келган, демократик республика низоми бўлиб, исломий тузум эмас ва унинг исломий тузумга ҳеч қандай алоқаси ҳам йўқ. Аксинча у динни ҳаёт ва сиёсатдан ажратишга асосланган илмонийлик мабдаси устига қурилган куфр тузумидир. Хумайний Ислом либосини кийиб, амалга оширган инқилоб исломий давлат ёки исломий бошқарувни барпо қилишни мақсад қилмагани очик кўриниб турибди. Ғарбнинг ундан қониқиши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди. Аксинча, ҳатто ғарб Хумайний ҳаракат қилаётган низомнинг табиатини яхши фаҳмлаган эди. Эрон низомининг

Гарбга алоқадорлиги түхмат әмас, балки кўриниб турган ва яшириб бўлмайдиган очик ҳақиқатdir. Эрон конституцияси эса, одамлар томонидан чиқарилган қонунларни татбиқ қилиш учун Гарбдан олиб келинган конституцияdir.

Эроннинг республика тузуми Шоҳ давридаги конституцион монархиядан фарқ қилмайди. Чунки конституцион монархияда шоҳ парламент ва бош вазир билан бирга одамлар томонидан чиқарилган конституциянинг татбиқини кафолатлади. Мусаддақнинг бошқаруви ва Британия билан нефть шартномасини бекор қилиш ҳам шундай бўлган эди. Эрон жумҳуриятида валийюл фақиҳ ёки олий раҳнамо дея аталмиш киши – бугунги кунда у Хоманай деб аталади – Хумайнийнинг вориси бўлиб, у шаклан Ислом билан бўялган, лекин одамлар томонидан ишлаб чиқарилган конституцияни кафолатлади. Мамлакат президенти худди Америкадаги каби тўрт йилдан икки муддатга сайланиш ҳуқуқига эга. Аслида Эрон конституциясига кўра, олий ҳокимият сайлов йўли билан келган президент әмас, балки олий раҳнамо «Хоманай» ихтиёрига берилади. Хумайний даврида қабул қилинган конституцияга кўра, олий раҳнамо ҳукмрон ҳокимият иерархиясида мамлакатнинг олий раҳбари эканлиги белгилаб қўйилган эди. Ҳатто олий раҳнамо президентни ҳам ишдан олиб ташлаш ҳуқуқига эга бўлган. Лекин Хумайний даврида президент бўлган ва 1989 йил яъни Хумайний вафот этганидан кейин олий раҳнамо бўлган Хоманай даврида конституция ўзgartирилиб, олий раҳнамонинг ҳукмронлиги янада кенгайтирилди.

Олий раҳнамо қуролли кучларнинг ҳамда Исломий инқилоб посбонлари корпуси қўмондонидир. Исломий инқилоб посбонлари корпуси кенг ҳокимият эгаси бўлиб, мамлакатдаги турли ички ишларга аралаша олади. Олий раҳнамо уруш эълон қилиш, асиrlарни афв қилиш ҳуқуқига ҳам эга. Миллий хавфсизлик ва ташқи сиёsat борасида ҳал қилувчи сўзни у айтади. Бу эса, Эроннинг атом соҳасидаги шартномаларга алоқадор масалалар ва бу борадаги музокараларни ҳам ўз ичига олади. Олий раҳнамо суд ҳокимиятининг раисини тайин қилиш ҳуқуқига эга бўлишидан ташқари, сайланган президент ҳукуматидаги асосий лавозимларни тайинлайди ёки уларга кучли таъсир ўтказади. Хусусан, мудофаа вазирлиги, ташқи ишлар бўйича лавозимлар, разведка лавозимлари ва ташқи хавфсизликка кучли таъсир ўтказади. Шунингдек, у ахборот воситалари устидан

хўқмронлик қиласди. Вержиния университетида Эрон ишлари бўйича кўзга кўринган тадқиқотчи Меҳризод Баржурдий бундай дейди: «Эрон режимида олий раҳнамо мутлақ ҳокимдир. У бошқарувнинг барча сиёсатларини режалаштиради». Аммо президент умумий тарзда олий раҳнамога тобе бўлса-да, лекин муайян чегарада давлатнинг президенти сифатида айrim ҳўқмронликларга эга. Президент асосан иқтисодий вазирларни тайин қиласди, шартномаларга имзо чекади, бюджетни бошқаради. Шунингдек, у жамоат ишлари, соғликни сақлаш, электр энергияси, сув ва бошқа табиий ресурслар учун масъул бўлган давлат органларининг фуқаролик тузилмаларини назорат қиласди.

Аммо конституцияда келган «Эроннинг расмий дини Ислом ва ўн икки Жаъфарий мазҳабидир», деган иборага келсак, бу каби иборалар исломий юртларнинг аксар конституцияларида мавжуддир. Бу давлатнинг Ислом асосига қурилгани ёки унинг рисолати Исломни ёйиш эканини англатмайди. Балки бу маросимлар ва байрамларга тегишилдир. Шунингдек, эътиқод ва ибодат борасида одамлардан талаб қилинадиган ишлар ҳамда айrim ҳаёт ишларига алоқадордир. Эрон конституциясида дин ёки мазҳаб давлатнинг миссияси ёки ташқи сиёсатнинг асоси дейилган бирорта ҳам банд йўқ. Балки ташқи сиёсат ватанпарварлик ва миллатчиликка асосланган бўлиб, капиталистик низом асосига қурилган халқаро ва минтақавий ташкилотларга боғлиқ бўлган бугунги халқаро тизимга мувофиқ юргизилади. Масалан Эрон БМТ ва исломий ҳамкорлик ташкилотига аъзо. Уларнинг барча халқаро алоқалари исломий асосга қурилган эмас.

Вилоятул фақиҳ:

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўн иккинчи Жаъфарий мазҳабни қабул қилган Хумайниной ғояси, модомики маъсум имом мавжуд эмас экан, Исломий давлатни барпо қилиш жоиз эмас, деб ҳисобладиган мазҳабдир. Бу мазҳабга кўра, давлат «Вилоятул Фақиҳ» асосида ташкил этилади. Бу ғоя ғойиб маъсум имом, яъни имом Маҳдий ғойиблигига унинг ўринбосари бўлмиш диний раҳнамо тиклаш ғоясидир. Унга кўра, ҳокимлик ва Уммат етакчилиги тақводор, одил ва зийрак фақиҳнинг қўлида бўлиши керак. Бундай шахс валиюл фақиҳ деб аталади ва у «Хумайниной ва унинг вориси Хоманаиной»дир. Шунга кўра, ҳўқмронлик ва имомлик давом этишини кафолатлаш учун мутлақ ҳўқмронлик олий раҳнамога берилади. Маҳдий ёки замон имоми 941 йилдан бери

«ғойиб» ёки «вақтинча ғойиб». Шия эътиқодига кўра, у қиёматга яқин чиқади ва Имом Маҳдий мавжуд бўлмаган пайтда шаръий ҳукмларда ижтиҳод қила оладиган, исломий билимга эга, фақиҳ дин арбоби Умматга етакчилик қилади. Хумайнининг ҳокимиятни қўлга олишдан олдин сургундаги нутқлари «Эрон «Вилоятул Фақиҳ» ҳукмронлиги остида бўлиши керак», деган баҳона билан, шоҳ бошқарувининг қонунийлигини шубҳа остига олишга қаратилган эди.

Минтақадаги Эрон лойиҳаси ва (Исломий инқилоб)ни экспорт қилиш:

Ажабланарлиси шундаки, Хумайнин давлати ўзини исломий деб даъво қиласа-да, Исломни татбиқ қилмайди. Чунки у ерда расмий тил форс тилидир. Матнлар, ёзишмалар ва дарсликлар форс тилида олиб борилади. Расмий тақвим (календар) форслар қадимда олов ва қуёшга сифинишган пайтдан қолган қуёш йили асосида олиб борилади. Шундай экан, давлат даъво қилинганидек исломий эмас, балки миллиятчи давлатдир.

Хумайнин улкан оламшумул ҳукуматни пайдо қилиш орқали амалга оширган исломий инқилобни экспорт қилиш шиорига келсак, бу борада Эрон режимининг фақиҳлари уни қўллаб-қувватлашди ва бу ишнинг ижросига масъул бўлиши учун баҳоналар топишди. Зоро, улар Қуръони карим оятлари ва маъсум имомларнинг сўзлари ҳазрати валийюл аср бошчилигига оламшумул ҳукумат пайдо бўлганини тасдиқлайди дейишиди. Шунинг учун Эрон режимининг амбициялари экспансионистикдир. Чунки Эрон терроризмга қарши кураш баҳонаси остида Америка билан бирга Афғонистондаги Толибон ҳукуматини қулатиш учун урушга кирди. Шунингдек, инқилобнинг экспорт бўлиши қархисида тўсиқ бўлиб турган Саддам Ҳусайн режимини қулатиш ва Эронга алоқадор кучларни ҳукуматга олиб келиш учун Америка билан бирга урушга кирди. Америка-Эрон разведка алоқалари эса инқилоб халқаро майдонда кўринишидан олдин бошлангани ҳеч кимга сир эмас. Қуйироқда бу мавзуга қайтамиз.

Эрон Афғонистонга саккизта шия партиясини ўз ичига олган Исломий Ваҳдат партиясини тиқишитирди. Бу партия Толибон ҳукуматини қулатиш ва Америка кучларига ёрдам беришда ҳарбий роль бажариши учун Абдулали Марзой томонидан тузилган. Эроннинг собиқ ташқи ишлар вазири Камол Хазорий Афғонистон уруши ва ундаги Эроннинг роли ҳақида бундай деган эди: Эрон

терроризмга қарши курашда АҚШ билан құшма марказларга эга әди. Бундан ташқари, Эрон Толибон режимида гавдаланған ва Эронга душман құшни билан уришаётган әди. Бу давлат мазҳаб жиҳатидан қадимдан душман бўлса, сунний радикализм сифатида ноанъанавий душмандир. Шунинг учун Эрон Афғонистонда ҳукуматни бошқарған коммунистик режимга қарши ҳеч қандай ҳужумни амалга оширмади!

Албатта Хумайнийнинг Эрони мана шу Эрондир. Эроннинг собиқ президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний 2002 йил Техрон университетида сўзлаган нутқида бундай деган әди: «Албатта Эрон кучлари Толибон билан жанг қилди ва уларни тор-мор қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Агар Толибонга қарши урушда Эрон халқ армиясининг ёрдами бўлмаганида әди, Америка Афғонистон ботқоғига чўкиб кетган бўлар әди». (Ўрта Шарқ газетаси, 2002 йил 9 феврал).

Эроннинг собиқ президенти Хотамийнинг қонун чиқариш ва парламент ишлари бўйича ўринбосари Мұхаммад Али Абтакий 2004 йил 13 январ Абу Дабида ўтказилган (Кўрфаз ва келажак муаммолари) номли конференцияда бундай деди: «Агар Эроннинг ёрдами бўлмаганда, Қобул ва Бағдод осонгина қуламаган бўлар әди. Лекин бизга берилган мукофот шу бўлдики, биз ёвузлик ўқининг меҳварига айландик». (Ислом онлайн нет, 2004 йил 13 январ).

Эроннинг ядрорий программаси:

Эроннинг ноанъанавий қуролларга эга бўлиш амбициялари ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида бошланган. Ўшанда Шоҳ Эронни минтақадаги улкан кучга айлантиришга ҳаракат қилган әди. Шоҳ ўтган асрнинг етмишинчи йиллари бошида Эрон ядрорий энергетика ташкилотини ташкил қилишни бошлади. Германия ширкати билан Бушерда улкан атом электр станциясини қуриш бўйича келишувга эришди. Сўнг катта миқдордаги сармоя киритилиб, қурилиш ишлари бошланди. Германия ширкати Шоҳ қулашидан олдин лойиҳанинг асосий қисмини қуриб битирди. Эроннинг қўшниларга нисбатан экспанссионистик амбициялари ҳамда Америка билан мудофаа шартномасини имзолаган Кўрфаз давлатларидан ўзини ҳимоя қилишга уриниши, Эрон ва Кўрфаз давлатлари ўртасидаги оддий қурол балансидаги камчиликни тўлдириш ва халқаро ҳимоя омилини яратиш борасида қилган ҳаракатлари уни Шоҳ бошлаган ядрорий программани давом

эттиришга үндади. Шоҳ бу ишни Эроннинг минтақадаги мавқенини мустаҳкамлаш учун бошлаган эди, Хумайний ҳам айнан шу мақсадда уни қайта ишга солди.

Инқилобдан кейин Германия Эрон билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиши оқибатида ядервий программа тұхтаб қолди. Бу дастур 1985 йилда Ироқ билан уруш пайтида ва Хумайнийнинг Ироқ күчи билан мувозанатни пайдо қилиш уринишида яна юзага чиқди. Чунки Ироқ илгари ядервий дастурға эга бўлгани учун Farb давлатлари томонидан диққат билан кузатилган эди. Кўп ўтмай, Ироқ Бушердаги ядро иншоотларига зарба берди ва бу икки ядервий реактордаги марказий энергиянинг йўқ қилинишига олиб келди. Бу эса, ўша пайтдаги Эрон ядро дастурининг ривожланишига тўсқинлик қилди. Эроннинг ядервий дастури атом реакторларини қуришга қаратилган бўлиб, бу бир неча тадқиқот майдончаси, уран кони, Бушер реактори ва уранни бойитиш заводидан иборат эди. Тўқсонинчи йилларда ядервий дастурни ривожлантириш ва атом энергиясига эътиборни кучайтиришга бўлган ҳаракатлар яна давом этди. Бу айниқса, Ироқ билан саккиз йиллик урушдан сўнг, анъанавий ҳарбий имкониятларнинг танқислигини қоплаш мақсадида амалга оширилди. Бу бир тарафдан, бошқа тарафдан эса, бу дастурдан мақсад аввал айтиб ўтганимиздек, Эроннинг сиёсий, иқтисодий ва хавфсизлик амбицияларини рўёбга чиқаришга ёрдам бериш ва Кўрфаз минтақасида унинг минтақавий позиция яратиш эди.

Ядервий кризиснинг бошланиши:

2002 йил август ойида мухолифатдаги «Эрон миллий қаршилик кенгаши» Техрон олдин эълон қилмаган иккита ядервий иншоот қуриб битирилганини фош қилди. Улар маълум қисми ер остига қурилган Натанздаги уранни бойитиш иншооти ва Аракдаги оғир сув реактори эди. Айни пайтда Вашингтон Техронни ядервий қурол ишлаб чиқариш бўйича махфий дастурга эгаликда айблади. 2003 йил Эрон Farb давлатлари босими остида ўзининг махфий ядервий дастурини тұхтатгани ҳақида эълон қилди.

АҚШ саксонинчи йиллар бошидан бўён Оқ уйга бирин-кетин келган барча маъмуриятлар орқали Эронга қарши бир неча марта иқтисодий жазо-чораларини қўллади. Бу жазо-чоралари бир неча соҳаларга алоқадор бўлиб, уларнинг энг мұхимлари нефть экспорти, тижорий айирбошлиш, активларни музлатиш, пул ўтказмалари, саёҳатларни тақиқлаш, ҳарбий соҳа ва

инвестицияларга оид эди. 2010 йилдан бошлаб Эрон атом олимларига сүиқаслар бошланди. Ўша йили Масъуд Али Мұхаммадий ўлдирилган бўлса, 2011 йили Мажид Шахриёрий ўлдирилди. 2012 йили эса, Мустафо Аҳмадий Рўшон сүиқасд қурбони бўлди. 2020 йилга келиб Мұҳсин Фахризода ўлдирилди. Бу сүиқасларда Моссад айбланди. Яҳудий вужуди эса, ракеталари Саудиянинг нефть иншоотларига етиб борган Эронга тош отса етадиган масофада жойлашган.

Эрон ядрорий келишуви:

Бу келишув 5+1 форматида тузилди. Бу давлатлар (БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий беш аъзоси, Америка, Россия, Хитой, Британия ва Франция плюс Германия) ва ядро дастури устида иш олиб бораётган Эрон ўртасида бўлиб ўтди.

Эрон уранни бойитиш ва сақлаш бўйича чекловларни қабул қилиш, бир неча ядрорий обьектларни ёпиш ёки ўзгартириш ва халқаро инспекторларнинг ташрифига рухсат беришга рози бўлди. Эрон санкцияларнинг бекор қилиниши кризисга учраган иқтисодиётини кучайтиришига умид қилган эди. Узоқ вақт давом этган музокаралардан сўнг 2016 йилнинг январида битим кучга кирди ва Трамп 2018 йилда Эрон билан узил-кесил ҳал қилинган 2015 йилги ядрорий келишувдан чиқиши ва Техронга нисбатан жорий қилинган санкциялар қайта тиклангани ҳақида эълон қилгунга қадар давом этди. Ўшанда Трамп Оқ уйда қилган нутқида Эрон билан тузилган шартномани «ҳалокатли» деб сифатлаб: «Бугун Қўшма штатлар Эрон ядрорий келишувидан чиқаётганини эълон қиласман», деган эди.

Гарчи яҳудий вужуди Европа қўллаб-қувватлари ва далдаси билан бир қанча йиллар давомида бир неча марта ушбу дастурга зарба бериш билан таҳдид қилган бўлса-да, лекин Америка яҳудий вужудига қаршилик қилди ва бу нарсани амалга оширишдан ман қилди. Қўшма штатлар Эроннинг ядрорий дастуридан ўз манфаати йўлида фойдаланди. Агар бироз ортга назар ташласак, ядро масаласидаги сўзлашувлар 2003 йилда бошланганидан бўён Америка ядро иншоотларига қарши ҳеч қандай амалий ижроларсиз фақат жазо чораларига эътибор қаратганлигини топамиз. Америка бу иши билан Европани адаштириди ва яҳудий вужудини ғазаблантириди. Ҳар сафар музокаралар бўлиб ўтганда Америка масаланинг ечими сифатида ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатларсиз қўшимча жазо-чораларини

таклиф қилди. Америка (Истроил)ни кўрқувдан тинчлантириш учун бир неча бор аралашди. Чунки Америка Эрон режими ўрнида қолишини ва ядро муаммоси ядровий бомбаларга етиб бормайдиган даражада фақат безовталик қўзғашга баҳона бўлиб қолишини хоҳлайди. Айни вақтда масалани узил кесил ҳал қилмайди. Аксинча, айтганимиздек, у Американинг кўрфаздаги ҳарбий кучларининг давомлилигини оммалаштириш учун Форс кўрфази давлатларини қўрқитадиган ўйинчи бўлиб қолишини хоҳлайди. Бундан ташқари, Эроннинг ядровий қуролини тийиш ва ундан ҳимояланишни баҳона қилиб, Туркия ва марказий Европада ракета қалқонини ўрнатишда ундан фойдаланади. Шунингдек, бу мудофаа вазирлиги учун бюджет харажати кўпайишини оқлаш учун ҳам айни муддао.

Тўрт араб пойтахтини назорат қилиш ва Америка сиёсатига тўлиқ мувофиқлик:

Хумайний ҳокимиятни эгаллашдан олдин у билан Америка ўртасида маҳфий сўзлашувлар бўлгани сир эмас. Юқорида айтганимиздек, МРБ сўнгги пайтларда Америка маъмурияти Парижда Хумайний билан алоқада бўлгани ҳамда унга ҳокимиятни олиб бериш учун мұхит тайёрлагани ва армияни жиловлаб қўйгани ҳақидаги ҳужжатларни ошкор қилди. Аммо оммавий ахборот воситалари орқали Эрон ва Америка ўртасида душманликни аланталатиш, бири иккинчисини катта шайтон деб сифатласа, униси бунисини ёвузлик ўқи дея атashi одамларнинг устидан кулишдан бошқа нарса эмас... Чунки воқелик мутлақо бошқача. Гап шундаки, Хумайний ўзининг Американи ва яҳудий вужудини ёмон кўрувчи тарафдорларига ёзиб-ўргатган шиорлар орқали ҳокимиятни эгаллашидан олдин ҳам бу сохта душманлик бор эди. Ҳокимиятга келгандан сўнг бу сохта душманликни яна давом эттиришни саҳна ўйини талаб қилди. Хумайний ҳокимиятни эгаллагач, саҳна ўйини ўша душманчилик ролини давом эттиришни тақозо этди. Шунда Хумайний режими «Америка катта шайтон» ва «мустамлакага қарши кураш» каби шиорларни кўтариб чиқди. Сўнг юқорида айтиб ўтганимиздек, инқилобни экспорт қилиш тўғрисида гапириб, барча кучини Ироқ ва араб давлатлари тарафига йўналтирди. Аммо айни пайтда Эроннинг шарқий чегарасида Совет иттифоқининг босқинчи кучлари билан қўллаб-қувватланган коммунистик режим мавжуд эди. Лекин Хумайний қўшни мамлакатдаги коммунистик ҳукуматга қарши ҳеч қандай

роль бажармади. Душманлик ўйинларидан ташқари, 1979 йил 10 сентябрда Төхрондаги Америка элчихонаси ишғол қилинганидан кейин гаровга олингандар масаласи Америка билан Эрон ўртасида атайин уюштирилди. Сўнг Хумайний Farb империализмига душман сифатида намоён бўлди, содда одамлар эса бунга алданди. Бунинг ортидан Хумайнийнинг позициясини мустаҳкамлаш, муҳолифларига зарба бериш ва икки тараф ўртасидаги алоқаларни яшириш мақсадида Эрон ва Америка ўртасида дипломатик алоқалар тўхтатилди. Кейинчалик Америка манбалари бу Америка спектакли бўлганлиги ҳақида хабар беришди. Худди шунингдек, Ҳасан Бану Садр Ал-Жазира билан суҳбатида бундай деди: «Бу америкаликлар билан келишув ва уларнинг режаси эди. Хумайний қаноатлантиргандан кейин буни қабул қилишган эди».

Икки томон 1981 йил 20 январда Жазоир шартномаси деб номланган шартномани имзоладилар, унга кўра гаровга олингандар озод қилинди. Бу воқеа Рейген Америка президенти этиб сайланган куни рўй берди. Ушбу келишув икки томон бир-бирини ҳурмат қилиши, бир-бирининг ишига аралашмаслик ва учинчи тарафнинг вакиллиги орқали икки давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклиди. Бу билан Америка Хумайний бошчилигидаги янги режимни зимдан тан олган бўлди. Кейин Эроннинг музлатилган активларидан янги режим талаб қилган 12 миллиард доллар қайтарилиди...

Икки тараф ўртасидаги махфий алоқа ва спектакл шу тарзда давом этди... Гўё мана шундай ҳолатда давом этиш икки тараф учун фойдалидек кўринди. Зеро, Эрон Америкага душмандек кўринар экан, у билан бўлган алоқалари ва йўналишлари Американинг мустамлакачилик лойиҳалари доирасида бўлаётганини яширап эди. Шунингдек, ушбу лойиҳани ижро этишга кўмаклашиш учун фаолият қиласр эди. Америка ҳам ўзини Эронга душман қилиб кўрсатиб, унга қаршилик қиласрди. Америка бу билан Европаликлар ва яхудийларни тутиб турар ва минтақадаги манфаатларини рўёбга чиқариш учун Америка ва Farbdagi аксил-Эрон афкори оммани чалғитарди. Ироқ уруши даврида Эрон ўзига қарашли жамоаларни жиловлаб, Америка учун вазиятни барқарор қилиб берди. Америка 2006 йил, Саддам режимини қулатганидан кейин, биринчи ҳукуматни ташкил этишга киришди. Бу ҳукуматга Эронга тобе, собиқ муҳолафатчи Нурий

Моликий раҳбар этиб тайинланди. Ироқдаги сиёсий вазиятни ҳозиргача Эронга тобе жамоалар бошқариб келади.

Аммо Эроннинг Сурия ишларига аралashiшига келсак, агар Америка томонидан яшил чироқ ёқилмаганида эди, инқилоб посбонлари ва Ҳизбуллоҳ Сурия режимини қўллаб-қувватлашлари учун Сурияга кирмаган бўлар эди. Аслида Сурия режими Саддам режими каби БААСчилардан иборатдир. Бу партия илмоний ва Исломга қарши жиноятчи партиядир. Эрон режими эса, уни қўллаб-қувватлаб, Суриядаги мусулмонларга нисбатан жиноятларни амалга ошириди. Уларни ўлдирди, қувғин қилди ва азоблади. Бироқ, Америка гўё жанг ва зўравонликни тўхтатишга чақириб туради эди.

Аммо Яманда содир бўлаётган воқеаларга келсак, Эрон «Америкага ўлим» шиорини кўтарганига қарамай, Ҳусийларни очиқ-ойдин қўллаб-қувватламоқда. Бироқ ахборот ўйини ҳали ҳам давом этяпти. Сурияда қаршилик, деган шиор бўлса, Яманда «Америкага ўлим» шиори кетяпти. Америка бу шиорларга қарамай, Ҳусийларни Ал-Қоида каби террористлар деб таърифламади, балки уларни сиёсий ҳаракат деб атади. Дарҳақиқат, Америка элчиси Метию Тейлер ўзининг 2018 йил 18 сентябрдаги матбуот анжуманида бундай деган эди: «Биз сиёсий амалиётларда иштирок этаётган жамоалар ўртасини ажратамиз. Ҳусийлар ҳаракати миллий музокаралар анжуманида иштирок этди ва бундан кўплаган ижобий натижалар келиб чиқди. Уларнинг ўзига хос сиёсий позицияси ва қонуний амбициялари мавжуд...». Саудия ташқи ишлар вазири Файсал Фархон Арабийя канали билан бўлган суҳбатда Саудия тўлиқ сиёсий ечимга эришиш учун ўт очишни тўхтатиш ва Ҳусийлар билан сиёсий музокара ўтказишни хоҳлайди деди. Бу эса, Яман ҳалқига жиноят қилган Ҳусийларни келажакда ҳокимииятга олиб келишдан иборат Америка хоҳлаган нарсадир.

Хотима ўрнида айтамизки, Эрон режими мусулмонларнинг қонини тўккан жиноятчи режимдир. Бу режим ўзининг мазҳабпарастлик ва миллий амбицияларини рўёбга чиқариш учун Америка сиёсати орбитасида айланди. У ёлғондан Ислом либосини кийиб олган. Унинг Исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлиб, «Ҳизбуллоҳ», «Ансоруллоҳ», Оятуллоҳ Ҳумайнин ёки исломий инқилоб, дея атайн исломий номларни қўйиб олган. Аслида бу нарсалар Ислом ва мусулмонларга қарши курашиб учун

ўйлаб топилган шиорлардир. Эронликлар автомобил ёқилғиси кризиси ҳамда ишсизлик, қашшоқлик, коррупция ва инфляция хатаридан азият чекмоқда. Чунки Эрон автобензинга бўлган эҳтиёжининг 40-50 фоизини импорт қилади. (Қудс сайти, 2014 йил 28 март. Иқтисодийя, 2007 йил 7 январ). Ҳукумат бензин импортини оширишни режалаштирмоқда. Эронликларнинг 95 % инақ ёрдам дастури рўйхатига ўз исмларини ёздиришидан иккى кун ўтиб, 2014 йил март ойида нефть нархи 75 %га ошиб кетди. Бу ҳол ҳукуматни эронлик оиласларни ушбу ёрдамдан воз кечишига ундаш учун кампания бошлишга мажбур қилди. (Арабийя, 2014 йил 27 апрел).

Эрон халқи ўзларининг ғарб ортидан судралиб бораётган ва мусулмон халқини Исломга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган миллый мазҳаб масалаларига сафарбар этаётган ҳамда парчаланиш, бўлинеш ва ғарбга тобеликдан иборат Умматнинг ярасини чуқурлаштираётган ўзларининг илмоний режимларининг ҳақиқатини онгли равишда билишлари лозим. Шунингдек, мусулмонлар Эрон ҳокимларидан фарқ қилмайдиган, ҳатто малайлиқда Эрон ҳокимларидан ҳам ўтиб тушадиган ўз ҳокимларининг ҳақиқатидан хабардор бўлишлари керак. Бундан ташқари, ечим Исломнинг одил бошқаруви эканини билишлари лозим. □

РАҚАМЛИ ВАЛЮТАЛАР

Амин Мустафо – Иордания

Рақамли пуллар, электрон пуллар, электрон валюталар ва криптовалюталар каби номларга эга бўлган рақамли валюталар фақат рақамли шаклда мавжуд бўлиб, жисмонан мавжуд эмас. Улар бошқа валюталарга ўхшаш айрим хусусиятларга эга. Масалан товарларни сотиб олиш ва алмаштириш учун ишлатилади. Шунингдек, улар ишончли дейилади ва марказлашмагандир. Яъни уларни марказий ҳокимиятга мурожаат қилмасдан алмаштириш мумкин.

Рақамли валюталар офис жараёнлари ва процедураларни рақамлаштириш ғоясига асосланган электрон банкинг ёки интернет банкингдан фарқ қиласди.

Шунингдек, рақамли валюталарни чиқариш анъанавий валюталарни чиқаришдан фарқ қиласди. Анъанавий валюталарни чиқариш чек ёрдамида амалга оширилади ёки уларни сохта пуллардан фарқлаш учун маҳсус қофозга ва маҳсус усуlda босилади. Рақамли валюталарга келсак, уларнинг чиқарилиши қазиб олиш (minning) деб аталадиган жараён орқали амалга оширилади.

Хўш, рақамли валюталарнинг ушбу барча хусусиятларини қандай амалга ошириш мумкин! Улар ҳақиқатан ҳам ишончлими? Рақамли валюталар ортида кимлар турибди? Бундай валюталарнинг келажаги қандай? Шариат улар ҳақида нима дейди?

Рақамли валюталар блокчейн деб номланган технологияга асосланади. Уларнинг ҳаракат механизмини тушуниш учун блокчейнни тушуниш лозим. Блокчейннинг сўзма-сўз таржимаси (blockchain)-блоклар занжири бўлиб, у маълумотларни сақлашнинг хавфсиз ва марказлашмаган усулидир. Ҳар қандай модификацияларни амалга оширишда текшириш ва ҳужжатлаштириш жараёнлари хавфсиз ва марказий ҳокимият иштирокисиз амалга оширилади. Битта операция блок деб аталади. Ушбу блоклар бир-бирига занжир каби боғланган. Блоклар занжири ёки блокчейн шу ердан келиб чиқсан.

Соддалаштириш учун пул суммасини бир банк ҳисоб варағидан бошқасига ўтказишни мисол қилиш мумкин. Бунда ҳисоб эгасини тасдиқлаш ва сумманинг бошқа ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш учун сиз аввал банкка боришингиз керак бўлади.

Блокчейн ва рақамли валюталарда эса, исталган миқдорни марказий орган ёки учинчи шахсга мурожаат қилмасдан бир ҳисобдан иккинчисига ўтказиш мумкин. Ҳисоб эгасини унга тегишли электрон калит орқали тасдиқлаб олиш мумкин бўлади. Зеро, бу калит унинг ҳисобига ўтказишнинг ягона усулидир.

Пул ўтказмаларини жўнатувчи ёки қабул қилувчининг шахсини билмасдан ва бу ишларни назорат қилувчи марказий ҳокимият ёки учинчи томоннинг иштирокисиз амалга ошириш ғояси ушбу пул ўтказмаларини ҳуқуқий назоратсиз ва ҳеч қандай тўловсиз амалга оширилишини осонлаштиришга ёрдам берди. Айнан мана шу нарса рақамли валюталарнинг тарқалишининг энг муҳим сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Кўплаб ноқонуний операциялар тўловни рақамли валюталар орқали амалга оширишни талаб қилмоқда. Шунинг учун мамлакатлар ва уларнинг хавфсизлик идоралари одамларни таъқиб қила олмайдилар. Мисол учун бугунги кунда компьютерда файлларни шифрлайдиган ва кейин рақамли валюталарда тўловни талаб қиладиган тўлов дастури вируси кенг оммалашган. Рақамли валюталар алмашинуви «чуқур тармоқ» ёки «қоронғи веб-даркнет»да ҳам фаол.

Рақамли валюта компьютерларда амалга ошириладиган мураккаб ва секин ҳисоблаш жараёни бўлган қазиб олиш (minning) ёрдамида ишлаб чиқарилиши ҳам мумкин. Шундан сўнг уни интернетдаги «электрон ҳамён»да ёки шахсий қурилмада ёки хотира карталарида сақлаш мумкин бўлади.

Бугунги кунда рақамли валюталар савдоси учун маҳсус платформалар аллақачон ишлаб чиқилган. Биткоин нархига қарасак, 2011 йилда битта биткоиннинг нархи 31 доллар эди. 2016 йили 600 доллар, 2017 йилда 19000 доллар, 2021 йили 64000 долларни ташкил қилган. Унинг нархи ҳамон кўтарилиб ва пастрраб турибди. Шунинг учун у тез фойда кўришни орзу қилганлар ва пулини сақлашни хоҳлаганлар учун жозибадорга айланди.

Биткоин биринчи ва энг машҳур рақамли валютадир. Аммо уни ким ихтиро қилгани маълум эмас. У биринчи марта Сатоши Накамото таҳаллуси остида эълон қилинган. У бир шахсми, ёки давлатми, ёки разведка хизматими маълум эмас. Ҳатто унинг япон ёки япон эмаслиги ҳам номаълум. Бироқ бир неча рақамли валюталар мавжуд бўлиб, уларнинг асосчиси ва ортида турган шахслар маълум. Масалан, Ethereum, Ripple XRP, Litekoin ва Coin Doge валюталари.

Техник жиҳатдан, янги валюталарни осонгина яратиш мүмкін. Аммо янги валютаны яратиш жараёни нұқтаи назаридан, уни биржага киритиш учун баъзи оддий тартиблар ва маълум бир ишончлилик талаб қилинади. Ушбу янги валюталар кўпинча фирибгарлик ва алдаш учун мўлжалланган бўлиб, уларнинг жозибадорлиги тез фойда келтиришидадир. Агар эълон қилинган пайтда рақамли валюта 0.1 долларга сотиб олинган ва кейин 2 долларга кўтарилган деб ҳисобласак, бу эгасининг капитали 20 баравар кўпайганини англатади. Бу фикр билан одам ўзини барча асосли ва ҳақиқий хатарларга солиб бўлса-да, ўша ривожланаётган валюталарни сотиб олади.

Савдо майдончаларида ҳаммага маълум бўлган алдаш услуби ҳам мавжуд бўлиб, бу катта ёки таъсир кўрсатувчи савдогарлар томонидан амалга оширилади. Чунки Догекоин тангаси ҳикоясини олиб қарасак, таниқли миллиардер Илон Маск ўша танга ҳақида бир неча бор гапирганида ва твит ёзганида маълум бўлди. Бу унинг нархининг ракета тезлигига ўсишига олиб келди.

Бу ерда хавфсизлик жиҳатидан жиддий хавотирлар ҳам мавжуд: масалан, агар шахсий калит ҳамёнга қўшилса, ундаги пулларни қайтариб бўлмайди. Ёки шахсий калит ўғирланган бўлса, ушбу ҳамёнда мавжуд бўлган барча пуллар ўtkазиб олиниши ёки ҳамён амалга оширилган барча операцияларни топиш мүмкін бўлади. Бундан ташқари, агар ҳамён эгаси маълум бўлса, у амалга оширадиган барча операцияларни билиб турасиз.

Ноқонуний операциялар ўчоғи ва уларни назорат қилиш механизми йўқлиги сабабли, кўплаб мамлакатлар ушбу валюталарни тақиқлашди. Иордания марказий банки директори Одил Шаркас бу тўғрида бундай дейди: «Уларда суд органлари билан тузилган битимларга қарши шикоят қилиш ҳуқуқини ва мижозларнинг ўлим ёки йўқотиш ҳолатларида уларни мерос қилиб олиш имкониятини кафолатлайдиган ҳуқуқий асос йўқ. Бундан ташқари, пул ювиш ва террорчи ташкилотларни молиялаштириш операциялари хатари мавжуд».

Шунинг учун нархи ўзгармас ва юқори ишончлиликка эга валюта яратишга баъзи уринишлар бўлган. Ушбу уринишларнинг энг машҳури 2019 йилда Фейсбук раҳбарияти томонидан «Visa», «MasterCard» ва «eBay» каби халқаро компанияларнинг катта гуруҳи иштирокида эълон қилинган «Libra» валютаси бўлди. Бу валюта 2020 йилда ишга тушиши кутилган эди, лекин бу уриниш

муваффақиятсиз тугади. Чунки «Libra» гурухининг аксарият компаниялари лойиҳадан чиқиб кетишини эълон қилишди. Эҳтимол ушбу лойиҳанинг сабаби ғоянинг ҳуқуқий ва хавфсизлик жиҳатидан пишиб етилмаганидадир.

Аслида рақамли валюталар фойдасиз товар бўлиб, улар фақат компьютерда сақланган маълумотлардир. Улар ўзларича ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Лекин уларга қиймат ва нарх берган бу одамларнинг шошқалоқлигидир. Улар қийматини аниқлаб бўлмайдиган товарлардир. Уларнинг кафолати йўқ ҳамда фиригарлик ва алдовга дучор бўлади. Ҳар қандай номаълум товарни сотиб олиш ва сотишни тақиқлайдиган шаръий далилларга кўра, уларни сотиб олиш жоиз эмас. Имом Муслим ўз саҳиҳ тўпламида Абу Ҳурайрадан чиқарган қўйидаги ҳадис бунга мисол бўлади:

«نَهَى رَسُولُ اللَّهِ عَنْ بَيْعِ الْحُصَاءِ، وَعَنْ بَيْعِ الْغَرَرِ»

«Росулуллоҳ  тош отиш йўли билан тузилган савдо битимларидан ва ғарар-ноаниқ савдо битимларидан қайтардилар».

Аслида блокчейн алгоритмларининг инновацияси катта фойда келтирадиган ва одамлар учун кўплаб фойдали дастурларга эга бўлиши мумкин бўлган ажойиб ютуқлардан биридир. Аммо Ғарбнинг капиталистик менталитети ҳар бир нарсани – ҳатто унинг қиймати бўлмаса ҳам – ишлатиш ва сотишга асосланган. Шу боис, пул ўтказмаларининг қулайлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган рақамли валюталар ғояси капиталистик менталитет эътиборидан четда қолмади.

Капиталистик Ғарб дунёси учун энг аҳамиятли нарса фойдадир. Бир нарсани сотиб олувчиси бўлса, уни фойдали деб ҳисоблайди. Сотиб олаётган кишига ўша нарсадан фойда бор ёки йўқлиги унинг учун аҳамиятсизdir. Бу нарса барчага маълум. Чунки Ғарб деярли фойдаси бўлмаган, аксинча, жамият ёки одамларга зарари бўлган кўплаб товарларни тарғиб қиласеради. Улар кўп пул топадиган одамни муваффақиятли деб ҳисоблашади. Гарчи жамиятга зарар келтираётган бўлса-да, қонунга хилоф иш тутмаяптими шу кифоя дейишади.

Аммо Исломда Аллоҳ Таоло жамиятга зарар келтирадиган нарсани ҳаром қилди. Масалан, у разил ва зарарли ишларни, оилани бузиб, қариндошлиликни узадиган ишларни, алдовли

муомалаларни, ўзи эга бўлмаган нарсаларни сотишни, рибони ва қиморни ҳаром қилди.

Аслида биз мусулмонлар сиёсий ва иқтисодий Исломни кучли тарзда илгари суришимиз ва ғарб ортидан судралмаслигимиз керак. Шунингдек, олишимиз мумкин бўлган маданий шакллар билан эргашиш мумкин бўлмаган ғарб ҳазорати ўртасини ажратиб олишимиз керак. Абу Сайддан ривоят қилинган ҳадисда Росулуллоҳ ؏ бундай дейдилар:

«لَتَتَبِعُنَّ سَنَنَ مَنْ قَبْلُكُمْ شِرْرًا بِشَرْرٍ، وَذِرَاعًا بِذِرَاعٍ، حَتَّىٰ لَوْ سَلَكُوا جُحْرَ ضَيْلَ سَلَكْتُمُوهُ»

«Сизлар олдингиларнинг йўлига қадамма-қадам, қаричма-қарич эргашасизлар. Ҳатто улар калтакесак инига кирса, сизлар ҳам кирасизлар». □

ДЕМОКРАТИК ҒАРБДАГИ СИЁСИЙ ПОПУЛИЗМНИНГ КУЧАЙИШ ОҚИБАТЛАРИ

**Абдуллоҳ Абу Тақий
Муборак Фаластин замини**

Сүнгги пайтларда ғарбнинг сиёсий доираларидағи мунозараларда ҳамда у ерда бўлаётган сайловлардаги сиёсий шарҳлар ва таҳлилларда популизм атамаси тобора оммалашиб бормоқда. Масалан, Британиянинг Европа иттифоқидан чиқиш (Брексит) жараёнида ва АҚШдаги охирги президентлик сайловларида ҳам бу сўз такрорланди. Хўш, бу атаманинг маъноси ва бундан кўзланган мақсад нима? Унинг энг кўзга кўринган сиёсий хусусиятлари, пайдо бўлиш сабаблари ва таъсири нималардан иборат?

Популизмнинг таърифи: Аввало популизм билан машҳурлик ўртасидаги фарқни ажратиб олиш керак. Чунки машҳурлик халқ томонидан ясаладиган манбадир. Бу одамлар кимнидир қадрлаши ва севишини англатади, шунинг учун у жуда машҳур дейишади. Популизм атамаси эса, бу бир турли сиёсий идеология ёки бир турли сиёсий оқим бўлиб, ғарб жамиятларида сиёсий мурожаатга олиб боради. Бу сиёсий оқим ўзининг сиёсий мурожаатлари орқали ҳукуматдаги коррупцион элита ҳамда сиёсий, иқтисодий, сақофий ва матбуот «муассасаси»га қарши халқ манфаатларини ҳимоя қилаётганини даъво қилади. Уларни ўз манфаатларини, айниқса йирик ширкатлар, катта давлатлар ёки мигрантлар каби бошқа жамоатларнинг манфаатини халқ манфаатидан устун қўйишда айблайди. Принстон университети тадқиқотчisi Марк Флорби популизмни шундай таърифлайди: «Популизм харизматик (ўзига хос хусусиятлар)га эга сиёсатчиларнинг анъанавий демократик институтларга қарши бўлган оммавий мурожаатда бевосита халқ қўллаб-қувватловини излашидир». Улар сиёсий мақсадлар йўлида одамларнинг ҳис туйғулари ва фикрларини манипуляция қилишади. Шунингдек, улар ўзларини ҳақиқий миллий овоз эгалари ва оддий фуқароларнинг ёки уларнинг таъбири билан айтганда, «унутилган синф»нинг вакиллари деб биладилар. Аммо Петит Робертнинг (2013 йилдаги) қомуси популизмни шундай таърифлаган: «Популизм – бу оммабоп синфларга қаратилган, режим ва унинг амалдорлари ҳамда элитасини танқид қилишга асосланган сиёсий мурожаатdir». Мана шундай сиёсий тушунча орқали ушбу популизмдан, одатда,

одамларни ўзига мойил қилишга уста ва харизматик характерга эга жозибадор шахс фойдаланади... У мавжуд сиёсий партиялар, уларнинг дастурлари ва анъанавий сиёсий воситаларига қарши ўзининг шахсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва қайта иккинчи марта сайланиш мақсадида ўзини халқ иродаси вакили қилиб кўрсатади.

Популизмнинг мақсадлари: Популист сиёсатчи (ва популистик сиёсат) демократик муассасалар ва мавжуд нуфузли сиёсий элиталарга қарши туриб, уларга душманчилигини эълон қилади. Шунингдек, у жамиятдаги оддий, сиёсатдан йироқ шахсларга мурожаат қилиб, уларни жозибали шиорлар орқали ўзининг сайловолди мақсадлари учун ва ҳукмрон кучлар мувозанатини ўзининг фойдасига ўзгартериш учун тўплайди. Австрияning ўнг қанот озодлик партияси раҳбари, популист Норберт Хофер таъбирлаганидек, популист учун одамларнинг позицияси эмас, балки овози керак. У 2016 йилда Австрияда бўлиб ўтган президентлик сайловларида ўз рақибига бундай деб мурожаат қилган эди: «Сенинг ортингда тараққий этган жамият турган бўлса, оддий халқ мен билан биргадир». Шундай қилиб, популизм Ғарбдаги сайловларда ғалаба қозониш ҳамда сиёсатчиларнинг ҳокимият ва сиёсатдаги умрини узайтиришда асосий восита ҳисобланади.

Популизмнинг пайдо бўлиш ва кучайиши сабаблари: Капиталистик Ғарбда сиёсий (ижтимоий, иқтисодий ва сақофий) популизмнинг пайдо бўлиши ҳамда популистик шиорга эга миллий ўнг партиялар нисбати ва сонининг юксалиши ва ривожланишига сабаб қўйидаги ишлардир:

Биринчиси: Ғарб жамиятларида бефарқ индивидуализм ва шахсий манфаатдорлик қадриятларининг ривожланиши. Бу нарса уларни ўзининг тор чегаралари ва хос манфаатларига боғланиб қолишга мажбур қилади.

Иккинчиси: Ғарбда ўзлик ва нафс тенденцияларининг жонланиши, кам сонли миллатлар, уларнинг бошқалардан қўрқиши ва бунинг натижаси ўлароқ аянчли ирқчиликнинг мавжудлиги.

Учинчиси: Ғарб давлатларидағи демографик иллат ва бунинг маҳаллий бўлмаган фуқаролар, мигрантлар ва қочқинлар фойдасига бўлаётгани.

Тұрткынчысы: сиёсий ва сақофий заифлиқдан ташқари сақофий плюрализм ва ҳаддан ташқари глобаллашув каби Ғарб жамиятидаги үзгаришлар. Эркинликдан келиб чиққан ёмон түшүнча сабабли ахлоқ ва қадриятларда кенг тарқалған бузилишлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бешинчысы: Иқтисодий ишончсизлик, ўсишнинг заифлиги ва Ғарбдаги дефляция, одамлар ўртасида даромад ва бойлик борасида тенгсизликнинг кучайиши ва бунинг оқибатида норозиликнинг ортиши. Европа иттифоқининг сиёсий тадқиқотлар бўйича директори Мартин Пол бундай дейди: Европада популистик партиялар пайдо бўлишининг сабабларидан бири жамиятдаги ҳақиқий кризислар, масалан, 2011 йилда «суверен қарз кризисига айланган банк кризиси»дир. Популистлар бутун жамиятнинг бу кризисида сиёсий элита ёки бой банкирларни айблашади.

Олтинчысы: Оппортунист популистларнинг – худди Макрон Францияда қилганидек – ҳалқ «Исламизм» ва «Исломий сепаратизм» каби умумий таҳдидга қарши туриши лозим деган адаштирувлари орқали содда сайловчилар овозини қўлга киритиш истаги.

Еттинчи: Ғарбдаги одамларда «уларнинг сиёсий партиялари бир-бирига ўхшаш, бир-биридан үнчалик фарқ қилмайди, улар бепушт, манфаати кам ва ular олиб бораётган сиёсат бузук ҳаракат» деган таассурот ва ҳиссиятнинг кучайиши. Айниқса улар атрофидаги сиёсатчиларнинг пораҳўрлиги ва бу жамоатчиликнинг уларга бўлган ишончига путур етказаётганига гувоҳ бўлмоқдалар. Одамлар гарчи институционализм (иқтисоддаги йўналиш)дан четга чиқсалар ҳам, янги турдаги раҳбарни излашга қаттиқ эътибор берадиган бўлиб қолишган.

Саккизинчи: Ғарб жамиятларидаги мабдай таназзул. Мураккаб сиёсий ва ижтимоий масалалар ва муаммолар учун кўпинча амалга ошмайдиган жуда оддий ғояларни тақдим этувчи популистик сиёсий юзлар одамлар тарафидан қўллаб-қувватланаётган пайтда ушбу таназзул янада яққол кўзга ташланади. Популистлар бунда «Биз ҳалқ билан биргамиз», «Бутун ҳокимият ҳалқники», «Франция французларники», «Америка оқтанли америкаликларники», «Америкаликлар орзусини ҳимоя қилинг» каби ёлғон, алдамчи ва ялтироқ шиорларга таянишади.

Лекин ҳукуматни әгаллагач, самарали ва аниқ ечимларни тақдим этишмайди.

Популизмнинг хусусиятлари ва популистларнинг йўли:

Биринчидан: Популизм атамаси кўпинча камситувчи маънода ишлатилади. Яъни сиёсатчилар ўзларининг сайловолди манфаатлари йўлида одамларнинг қўрқуви ва ғайратини жиловлаб-бошқаришади, шу сабабдан уларни танқид ва қоралаш мақсадида шундай маънода ишлатилади. Шунингдек, ёмон хулқ атвон ёки сиёсатчиларга хос бўлмаган қўпол хатти-ҳаракатлар популист лидер билан боғлиқ энг кўзга кўринган хусусиятлардир. Бунга Доналд Трампни мисол қилиш мумкин.

Иккинчидан: Популизм демократиянинг бир қисми бўлса-да, лекин Ғарбдаги популист кучлар у ердаги демократик сиёсат учун катта хатарга айланган. Популизм ўзбошимчаликнинг бир турига айланган бўлиб, ўта миллатчилик, шовинизм, ирқчилик, ксенофобия, инсон ҳуқуқларини пастга уриш, четдан келган жамоалар ва кам сонли миллатлар ҳамда мигрантларни айбдор қилиш билан ажралиб туради.

Учинчидан: Популизм раҳбарнинг ҳукмронлигини мустаҳкамлаш, унинг муваффақиятсизликларидан жамоатчилик эътиборини чалғитиш ёки ҳар хил сиёсий муаммоларнинг ҳақиқати ва сабабларини халқдан яшириш устида ишлайди. Популист лидер эса, доимий равишда элита ва тузумга ҳужум қилиш ҳолатида туради. У чигал демократик режимлардан нафратланишга мойил бўлиб, мунтазам равишда ўзининг сиёсий рақибларини хоин сифатида тасвирлаб туради. Унинг популистик хитоби мазмунига келсак, у доимо тажовузкор бўлиб, фикрлар ва сиёсатдаги негативликдан иборат. Бу бир жиҳатдан, бошқа жиҳатдан эса, популист ўзини муассаса эмаслигига, балки «халқ» эканига одамларни ишонтиришга ҳаракат қиласди. «Унитилган» оддий одамлардан ниқоб сифатида фойдаланган ҳолда муассасани паст санайди. Бундан ташқари, Твиттер ва Фейсбуқ каби ижтимоий тармоқлар орқали сайловчилар билан бевосита мулоқот қиласди. Трамп Уолл Стритда 2016 йили бундай деб ёзган эди: «Кичик бир ҳовуч элита томонидан ўнлаб йиллар давом этган бузғунчи бошқарувга нисбатан кўриладиган ягона чора халқ ҳақдир, ҳукмрон элита эса ноҳақдир, дея мамлакатга тааллуқли ҳар бир муҳим масалага халқ иродасини юклашдир...». Айтидан,

одамларга уни сайлашга туртки бўлган нарса мана шу гап сабаб бўлган бўлса керак.

Тўртинчи: Популистик партиялар сиёсий спектрнинг исталган жойида бўлиши мумкин. Масалан, улар ўнг партия бўлиб, «Миллий популизм» ва «Ўнг миллатчилар» деб аталиши мумкин. Уларнинг раҳбарлари авторитар ва ҳатто фашистик бўлиши мумкин. Франциядаги Марин Ле Пен, Венгриядаги Виктор Урбан, Америкадаги Доналд Трамп (Чой партияси ҳаракати), Германиянинг «муқобил» партияси, Италиядаги «Беш юлдуз» ҳаракати, Нидерландиядаги «Озодлик учун» ҳаракати, Британиядаги «Мустақиллик» партияси ва Австрияниг «Хуррият» партияси каби. Буларнинг барчаси авторитар ҳамда муҳожир ва чет элликларга қарши бўлиб, доимо узоқлаштириш, ажратиш ва бўлиб ташлаш сиёсатларини олға суради. Улар Испаниядаги Подимос ва Грециядаги Сириза каби сўл популистлар бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, популистлар Лотин Америкасидаги бир қанча давлатларда ҳам юзага келди, масалан Венесуэладаги Уго Чавес каби. Осло университети профессори Касс Модининг фикрича, «Бугунги кундаги энг муваффақиятли популистлар ўнгчилар, хусусан Европадаги чекланган экстремист ўнгчилардир».

Бешинчи: Популизм ўзига хос тартибли шакл эмас. Ҳамма популистик партиялар кучли харизматик лидерга асосланмаган, уларнинг барчаси ҳам уюшган ва интизомли эмас. Бундан ташқари, популизм сиёсат билан шуғулланишнинг ўзига хос услуби эмас.

Олтинчи: Популистлар давлат ва режимнинг муассасалашган қисмига қараганда ҳаддан ташқари таклифлар ёки ваъдалар беришда тезкордир ҳамда қўллаб-қувватловга эришиш учун жамиятдаги кўпинча эришиб бўлмайдиган нарсаларни ўзgartириш бўйича экстремалдир.

Еттинчи: Популист партиялар кенг тарқалиб, сўнгги ўн йилликларда таъсирчан бўлиб қолди. Статистик маълумотларга кўра, 90 йилларда 7 % бўлган популистик партияларнинг машҳурлиги 2018 йилга келиб 25 %дан ортган. Оливер Эхл бундай дейди: (2003 йил) «Европада айланиб юрган популизм шарпаси бугун сиёсий ва ижтимоий мустаҳкам кучга айланди. Ҳатто у ҳокимият эшикларини қоқмоқда». Дарҳақиқат, популизм Фарбда юқумли бўлиб қолди. Бугунги трансчегаравий рақамли оммавий

ахборот воситалари асирида тезлик билан бир жойдан бошқасига кўчиб ўтмоқда.

Саккизинчи: Популистлар баъзан консерватив ва диний муаммолар, мавзуулар ва масалаларга мойил бўлишади. Муассасалар эса, одатда одамларни алдаш, диндан фойдаланиш ва манипуляция қилиш учун евангелистлар каби диний гурӯҳлар билан иттифоқ тузадилар. Иккаласи ҳам одамлар билан бевосита мулоқот қилишга ҳамда уларнинг ақлларига эмас, ҳис туйғуларига мурожаат қилишга интилади.

Ғарбдаги Исломга қарши популизм: Ғарбдаги Исломга қарши ҳужум уларнинг популизмга мойиллигидан далолатдир. Шунинг учун улар ҳақ ва унинг аҳлига нафратини сочишади. Популистлар сайловларда Исломни қоралашдан асосий карта сифатида фойдаланишади. Масалан, популист Макрон 2021 йил 23 июлда Франция парламенти қабул қилган «Исломий сепаратизм»га қарши кураш лойиҳасини эълон қилди. Макрон унда: «Ислом нафақат мамлакатимизга, балки бутун дунёга кризис олиб келадиган диндир», деди. Австриялик маслаҳатчи Себастян Курц Исломни «биз Европада бўлишини истамайдиган касал идеологиядир», дея сифатлади. (2021 йил 26 июл). Нидерландияда ўзининг популизмини Исломга душманлик асосида қурган Герт Вилдерс сайловчиларига «Исломдан покланиш вазирлиги» деб аталмиш янги вазирлик ташкил қилишни ваъда қилди. (2021 йил 9 январ). Дунё популистларининг раҳбари бўлмиш Трамп сайланиши олдидан Би-Би-Си билан бўлган суҳбатда: «Ислом бизни ёмон кўради деб ишонаман», деди. (2015 йил). Ғарбда кофир капиталистик ақлиясини сидқидилдан намоён қиладиган популистик сиёсий оқим бугунги кунда бузук илмоний капитализм билан ҳақ Ислом дини ўртасидаги ҳазорат урушини гавдалантироқда. Лекин Аллоҳнинг изни билан яқинда Ислом капитализмни йўқ қиласди.

Хотима: ғарбда популизмнинг кучайиши либерал капиталистик тузумнинг муваффақиятсизлигидир

Шубҳасизки, бугун ғарб ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ва барча соҳаларда чукур мабдаий кризисни бошдан кечирмоқда. Шунингдек, у чириган либерал ғоялари, айниқса, эркинлик, моддийлик ва кучлилар учун кураш ғоялари оловида жизғинак бўлмоқда. Шубҳасизки, ғарбда ўнг популист ҳаракатларнинг сезиларли даражада кучайиши ғарбдаги демократик низомнинг

муваффақиятсизлигига очиқ далилдир. Бу оқимлар ҳар доим ўзи у ҳақда қаттиқ гапларни айтиб келган қонун ва муассаса давлатига қарши туради. Ҳаммани ирқчилик, экстремист тор миллатчилик ва авторитаризмга чақиради. Шу жиҳатдан ҳам, у ўзининг сиёсий давомийлиги ва ҳокимииятда қолиши учун Исломга бўлган душманчилигини тұхтатмайди.

Ғарб бугун популизмга берилиб, у билан касалланган. Шунинг учун популизм Ғарбда сон ва сифат жиҳатдан ўсиб бормоқда. У Ғарбдаги демократик режимларнинг келажагини белгилаб бериши мумкин. Популизм Ғарб режимларига асос солган сиёсий базани силкитишга ҳаракат қилмоқда ва улардаги ҳукмрон режимларнинг барқарорлигига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, нафрат, экстремизм, ирқчилик, камситиш, заиф ва бечораларни ҳақорат қилиш каби иллатлар ёмон даражага етиши билан таҳдид қилмоқда. Бунга сиёсатни шакллантириш ва жамият мұаммоларини ҳал қилиш масъулиятини ўз зиммасига олишда демагогик популистик сиёсатнинг кучайиши сабаб қилиб кўрсатиляпти. Популизм ва унинг татбиқ этилиши инсониятга қарши барча сиёсий жиноятларни бошлаш учун етарли малакага эга. Бу эса, уларнинг сохта демократиясини фош қилади. Ғарб жамиятларида кучайиб бораётган қутбланиш илмонийликнинг ҳаётни бошқаришдаги муваффақиятсизлигини кўрсатади. Нега бундай бўлмасин? Ахир Макиавеллининг издошлари коррупцияни йўқ қилишга қодир эмас. Чунки уларнинг ягона мақсади ўз сиёсий ҳокимияти ва шахсий манфаатларини таъминлашдир.

Либерал Ғарб ўлим тұшагида ётибди. Ғарбдаги ҳаётнинг барча соҳаларида содир бўлаётган вайронагарчиликлар, жумладан популизмнинг кучайиши ушбу низом, яъни демократик илмоний низом моҳиятининг ажралмас қисмидир. Бу низом кимга татбиқ этилган бўлса, уларни энг баҳтсиз кимсаларга айлантирди. Унинг ҳисобсиз бузғунчилиги аниқки ўзидан келиб чиқсан. Аллоҳнинг изни ила ўша низоми унинг ўлими ва ҳалокатига сабаб бўлади. Тинчлантириш ва ямаш унга фойда бермайди. У катталашиб, экин ва наслларни вайрон қилди. Шу кунгача Ислом ва унинг давлатини намоён этган ҳазорий алтернатива унинг қаршиисига чиқмаётгани унга бир муддат яшаш имкониятини бермоқда.

Биз бугун Америка ва Европанинг мабдаи жиҳатдан заифлашганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Ислом Уммати ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб, чириган либерал мабдага қарши кураш

олиб бориши ва унинг бутун сиёсий фаолиятида сўзи амалига мос келмаслигини очиб ташлашда ғайрат билан ҳаракат қилиши лозим. Чунки бу капиталистик элиталарнинг ўз халқларига нисбатан эътиборсизлигини ва уларни эксплуатация қилишини ҳамда бузук мабдалари орқали ўз халқларига фасод тарқатаётганини фош қилиш учун қулай имкониятдир.

Мусулмонлар учун бутун дунёга ҳақиқий альтернатива сифатида исломий мабдани кўрсатиш вақти келди. Улар Ислом ҳукмларининг улуғлигини ҳамда ўз халқига содик ва унинг ҳуқуқларига риоя қиласидиган ҳокимларининг адолатини кўрсатишлари лозим. Мазкур ҳокимлар Ғарбдаги бузук сиёсатчилар сингари қайта сайланиш масалалари билан шуғулланмайди ва ўз манфаатлари йўлида одамларни алдаб, уларнинг ҳис туйғулари билан ўйнашмайди. Чунки Ислом илмоний Ғарбда бўлгани каби жамиятда бир-биридан фарқ қиласидиган, бир-бирига қарши курашиб, зулм қиласидиган табақаланишга йўл қўймайди. Исломда Ғарбдагидек популизмни касб қилиб олган, миллатчилик, ирқчилик ва бошқаларни камситишни тарғиб қиласидиган ҳокимлар бўлмайди. Аксинча, Исломдаги ҳокимлар ўз Роббисини рози қилиш ва динига хизмат қилиш учун одамларни фикр ва яхшилик билан бошқаради. Абу Марям Аздий ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ ﷺ айтади:

«مَنْ وَلَّهُ عَزَّ وَجَلَّ شَيْئًا مِنْ أَمْرِ الْمُسْلِمِينَ فَاحْتَجَبَ دُونَ حَاجِتِهِمْ وَخَلَّتِهِمْ وَفَشَرَهُمْ،
اَحْتَجَبَ اللَّهُ عَنْهُ دُونَ حَاجِتِهِ وَخَلَّتِهِ وَفَقَرْهُهُ»

«Аллоҳ Азза ва Жалла кимни мусулмонларга бошлиқ қилиб қўйсаю, лекин у уларнинг ҳожатини бажариш ва улардан қашшоқлик ва етишмовчиликни бартараф қилишда эътиборсиз бўлса, Аллоҳ ҳам унинг ҳожатини бажариш ва ундан қашшоқлик ва етишмовчиликни бартараф қилишда уни эътиборсиз қолдиради». Абу Довуд ривояти. □

УММАТ ЁШЛАРИ ВА МУЛОҲАЗАСИЗ (КАЛТАФАҲМ) АВЛОДНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Абу Низор Шомий

«Мен навқирон ёш йигит бўлганимда эди, агар ўша кунларга етсам сенга кучли ёрдам берган бўлардим». Бу – Варақа ибн Навфалнинг Пайғамбаримиз ﷺдан биринчи пайғамбарлик башоратларини эшитганида айтган сўзлари эди. Бу қариянинг «Эй Муҳаммад кошки ўшанда йигит бўлсаму, сенга ёрдам берсан», деган орзуси ушалмади. Лекин бугун бу Муҳаммад ﷺ Уммати орасидаги миллионлаб ёшларнинг имкониятидаги ишдир. Варақа ибн Навфал Росулуллоҳ ﷺ га Эй Муҳаммад сенинг даъватинг ёшларга муҳтоҷ, даъватингга ёрдам бериш уларнинг ҳиммати, онги, кучи ва олий ҳимматлилигига муҳтоҷ, деган эди.

Росулуллоҳ ﷺ ушбу аниқ ҳақиқатни тушундилар. Қуръони Каримдаги қаҳрамон ёшлар ҳақидаги қиссалар У зотга куч бағишлади. Бундай қиссаларнинг бирида шундай келади:

﴿قَالُوا سَمِعْنَا فَتَّى يَذْكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُ وَإِبْرَاهِيمُ﴾

«Улар(нинг айримлари) айтишиди: (Худоларимизни) айблаб юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик» [Анбиё 60] Албатта ўша ёш йигит Иброҳим эди. Қишлоқда ундан бошқа ким ҳам бутларни синдира оларди? Барчанинг оғзида Иброҳим, барча жарчилар унинг жоҳилият режими сиёсатига қарши чиққани ҳақидаги хабарни тарқатар эди. Ёш йигит бир бутун жамият ҳамда унинг ҳокимлари, сиёсати, жарчилари ва одатларига қарши кураш бошлади. Ҳатто унинг отаси ҳам унга қарши бўлди, у билан бирга пайғамбар йўқ эди ва унга пайғамбарлик ваҳийси ҳали келмаган эди. У мазмунисиз яшашга рози бўлмади. Бемаъни ҳаётни, қуллар ва ҳайвонлар ҳаётини рад этди. У улар билан мунозара қилди ва ҳаққа чақириб уларни қутқаришга ҳаракат қилди.

Қуръони Карим бундай ёшларни фахр ва мақтов билан эсга олади:

﴿أَمْ حَسِبْتَ أَنَّ أَصْحَابَ الْكَهْفِ وَالرَّقِيمِ كَانُوا مِنْ عَائِتِنَا عَجَّابًا﴾

«Балки сиз Каҳф ва битик эгалари бизнинг оятларимизнинг энг ажойиби деб ўйлагандирсиз?» [Каҳф 9]

Эй Муҳаммад ажабланманг

﴿إِنَّهُمْ فَتَيَّةٌ إِعْمَنُوا بِرَبِّهِمْ وَرَدَنَّهُمْ هُدَى﴾

«Улар Парвардигорларига иймон келтирган ва Биз иймонларини зиёда қилган йигитлардир» [Каҳф 13]

Аллоҳга қасамки, ёшларнинг иймони ажойиб ишларни яратади. Сонлари ўнтадан ошмаган ёшлар бир бутун давлатга қарши туришга бел боғлашди. Зулмга рози бўлишмади, овозларини ўчиришларига йўл қўйишмади ва шаҳвоний ҳаётни хоҳлашмади. Аксинча, улар билан Пайғамбар бўлмасада, ўз мабдалари ва рисолатлари учун яшади. Буларнинг барчасига қарамай, ноумид бўлишмади, балки туриб, бизнинг Парвардигоримиз осмон ва ернинг Парвардигоридир дейиши... Чунки ҳаракатдан тўхтаб ўтириб олган ва лоҳас кимсалар ғалаба қилмайдилар. Агар ўша йигитлар бизнинг замонамиизда бўлишганида, биз яшаб турган ушбу жоҳилиятни ўзгартириш учун бел боғлаб ўринларидан турган бўлар эдилар.

Аллоҳ туғёнга қарши чиққан ушбу ёшларни бизга эслатар экан, Парвардигорларига иймон келтирган буғунги ёшлардан ўринларидан туриши ва золимларнинг юзига ҳақиқатни айтишини талаб қилмоқда. Аллоҳга қасамки, ана ўшандо Қуръони Карим ўша йигитларнинг зикрини агадийлаштиргани каби сизнинг ҳам зикрингиз тарихини агадийлаштиради. Аллоҳ Таоло уларнинг иймонларини қувватлантиргани каби сизнинг ҳам иймонингизни қувватлантиради. Бундан ташқари, Аллоҳ Таоло уларга қуёшлини бўйсундириб, сўнг қуёш улар ғорда ётар эканлар, уларнинг ўнг ва чап томонидан айланиб ўтгани, фаришталар уларни ўнг ва сўлга айлантириб тургани, ёвувларнинг кўзини улардан кўр қилиб қўйгани каби Аллоҳ бизнинг ёшларга ҳам ўз фаришталарини бўйсундириб беради.

Оғриқ ва аламли онларда Пайғамбаримиз ёшларга таяндилар. Шунинг учун ҳам Росулуллоҳ ﷺ Зайд ибн Собитга қаратади: Эй Зайд яҳудийларнинг тилини ўрганишингни хоҳлар эдим, чунки яҳудийларга мактуб ёздирап эканман, буни яҳудий (тўғри) ёзишига ишонмайман деди. Шунда Зайд уларнинг тилини ўн етти кунда ўрганиб олди. Росулуллоҳ ﷺнинг: «**Мактуб борасида яҳудийга ишонмайман**» деган сўзлари Зайднинг ўн етти кун ухламаслиги ва тинчланмаслигига кифоя бўлди. Натижада у яҳудийларга мактуб ёзиш бўйича Пайғамбаримизнинг таржимонига ва уларнинг фитналарига нисбатан уйғоқ қулоғига айланди. Ўшандо Зайд атиги ўн олти ёшда бўлиб, Росулуллоҳ ﷺни қийнаётган муаммони еча олди.

Эй бугуннинг ёшлари малака ва қобилиятингизга қаранг. Ўзингизга савол беринг: Агар Пайғамбаримиз сизни бугун күрса, у киши сизга Зайдга тайинлагани каби вазифаларни топширап эдими? Ёки йигирма икки ёшли Мусъаб ибн Умайрга Мадинада исломий раъи омни пайдо қилиш, Росулуллоҳ  нинг даъватига куч-құвват вә нусрат әгаларини қасб қилиш ҳамда Исломдаги биринчи элчи бўлишни юклагани каби сизга ҳам мұхим ишларни юклар эдими?

Эй ёшлар сизларнинг ролингиз хавфли ва даҳшатлидир. Мустамлакачилар, шарқшунослар ва глобал қарор қабул қилувчилар Исломга ёрдам беришда сизнинг ролингизнинг аҳамияти йўқ деб сизни ишонтиришда сақофий, ахборот, молиявий ва ҳарбий арсеналларини ишга солишда ялқовлик қилишмади... Ўзингиздан бирор марта сўраганмисиз: Нима учун мактабларимиздаги таълим программаси динимиз билан фахрланишнинг буюклигини, унга ёрдам беришни ва уни дунёга тарқатадиган давлат тузиш зарурлигини ўргатмайди?!

Бунинг сабабини бугунги кунда ҳам нашр этилаётган «Ислом дунёси» журналини чиқаришга раҳбарлик қилган, Яқин Шарқдаги насроний миссионерлик ташкилотлари раиси, Кувайт, Баҳрайн, Саудия Арабистони ва бошқа Ислом юртларида ўз фаолиятини олиб бориб, насронийлик ғояларини тарғиб қилган Шарқшунос олим Сәмюэл Звемер айтиб ўтган. Яъни у 1899 йилдан бошлаб Исломий давлат кучсизланиши биланоқ, ўз одамлари билан биргаликда ушбу журнални мусулмонлар орасида мактаб таълимига киритган. 1899 йилда кофирлар Исломий давлат заифлашаётганини ҳис қилишган эди. Зоро, шунинг учун ҳам таълим тизими устидан давлат назорати заифлашган. Шу боис, улар энг биринчи навбатда мактаб таълим тизимини ўзgartиришга шошилдилар. Бу билан енгилган, тушунчалари бузук, заиф, сара гурухидан айрилган ва ҳаром ишларга журъат қиладиган келажак авлодларини етиштиришни хоҳладилар. Бундай ҳужумлар Кўрфаз урушидан кейин яна кучайди. Ғарб услубидаги таълим дастурлари мунтазам сиёsat асосида мусулмон юртларига бостириб кирди... АҚШ-Яқин Шарқ ҳамкорлиги ташаббуси раҳбари Елена Руманский 2003 йилда бундай деган эди: «Бу йўналиш (яъни ўзларининг сиёsatи) бўйича бормайдиган ҳар қандай ўқув дастури ўзgartирилиши керак». Британиянинг собиқ бош вазири Тони Блэр 2015 йил июн ойида «Хавфсизлик чораларини ошириш экстремизм

муаммоси илдизларини ҳал қилмайди. Дунё Ислом мафкурасига қарши кураш учун янги сақоғий ва дин таълимими қўллаб-қувватлаши керак», деган эди.

Эй ёшлар, нима учун «МВС» тармоғи «Араб идол»нинг фақат бир мавсуми учун 14 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфлаётгани ҳақида ўзингиздан сўраганмисиз? Нима учун Ғарб конкурси дастурларининг (супер юлдуз, юлдуз академияси, араб идол ва камон эгаси) каби арабча версиялари бундай тезликада кўпаймоқда? Нима учун қиз болани ўз отасига бўйсунмасликка ўргатадиган юзлаб фильмлар ва дубляж қилинган сериаллар кўпаймоқда ҳамда зино ва порнография тарқалмоқда? Нима учун спорт мусобақалари машҳурлашиб, уларнинг қаҳрамонлари фотиҳ саркардалар каби порламоқда? Ҳалқимиз, айниқса, ёшлар ўта қашшоқ ва муҳтоҷлиқда яшасада, нега бундай ғамхўрлик, фидоийлик ва миллионлаб сарфланаётган саҳоватпешалик бўлмоқда. Буларнинг барчаси битта мақсад учун. У ҳам бўлса, ўз интилишларини ва қизиқишлирини намоён қилган, овоз ва кийими чиройли, кўплаб романтик муносабатларга эга калтафаҳм ёшларни шакллантириш. Ҳасадгўй, порно саҳналари билан таниш ҳамда бузуқлик ва яланғочлик билан таниш бўлган ёшларни пайдо қилиш. Фаластинни озод қилиш ҳақида фикрламайдиган, Халифаликнинг фарзлиги ҳақида ҳеч нарса билмайдиган, яҳудий ва насронийларни коғир деб ҳисобламайдиган ёшларни пайдо қилиш.

Агар ёшларнинг бундай бузилган мутант модели ишлаб чиқарилгудек бўлса, коғирлар суннатни, ҳижобни, жиҳодни ва бошқа дин қоидаларини инкор қиласиган ҳамда Ислом армиясида ҳаракат қилиш ўrniga унинг улуғ қадриятлари борасида шубҳа ўйғотадиган фикрларни тарқатишни уddyalagan бўлади. Бундай ёшларда ҳиммат бўлмайди... Улар CEDAW конвенцияси ва унинг афзалликлари билан фахрланишади. Натижада абортга рухсат берилиб, бепуштлик оқланади, аёлнинг иффати топталиб, юзидан ҳаё тожи олиб ташланади ва уни ҳимоя қилаётган оила барбод қилинади.

Ёшлар буларнинг барчасидан омон қолган тақдирда ҳам, интернет сайtlари унинг динидан қолган-қутганини ҳам бузиб ташлаш учун атеизм ва скептицизм ғояларини тарғиб қилиб, ғоя эгаларини оммалаштиради.

Энг ҳайратланарлиси шундаки, ёшлар ваҳимага түшиб шайхларига борсалар, жазирамадан қочиб, оловга йўлиқадилар. Чунки уларни руҳан мағлуб бўлган уламолар кутиб олиб, уларнинг қалбида ноумидликни үйғотишади. Ушбу уламолар ёшларга сизларда яхшилик йўқ, сизлар нусратга лойиқ эмассизлар, Умматимиз қолоқ ва бошқа барча халқлар улардан афзал дейишади... Аслида эса, бу уламолар ёшларнинг қўлидан ушлаб, уларнинг тойилишини олдини олиши ва руҳини кўтариши керак эди... Шундай қилиб ёшлар учун эшиклар ёпилади ва уларни ҳар томондан бўрилар ўраб олади.

Ушбу тўлақонли уруш олдида ёшларимизга истеҳком барпо қилиш учун барча саъй-ҳаракатлар сафарбар қилиниши керак:

1 – Онг: мустамлакачи аллақачон унинг хатарини сезиб, таълим программасини ўзгартиришни бошлаган. Шунинг учун ўзгартирувчи сиёсий ақидавий сақофат билан ёшларни тарбиялайдиган, улардаги умидсизликни ўлдирадиган, хаёлпарастларнинг шубҳаларини олдини оладиган ва уларни бешигидаёқ йўқ қиласиган онг зарур. Бу шундай ишки унда даъватчилар, оила, сақофат эгалари бирга иштирок этиши зарур ва унда таълимнинг ҳам роли бор.

2 – Яхши намуна: Ёшлардан намуна моделларини ишлаб чиқариш керак. Улар ёшларга исломий мабдаий намуна бўлсинлар ҳамда мактаб, университет, клуб ва кўчада ёшлар билан ҳамроҳлик қилсинлар.

3 – Жамоий ҳаракат: бу тўғри тарғибот тизими бўлиб, ёшларни ишончсизлик тўлқинларидан сақлайди, уларни соғлом мұхитга солиб, ўзаро биродарларга айлантиради.

4 – Қарама-қарши медиа: Атеистлар, туҳматчилар ва событ қоидаларни инкор этувчиларнинг ҳужумларига қарши турish учун тарғибот платформаларидан фойдаланиш ва уларни энг янги тасвир билан жиҳозлаш ҳамда уларнинг мазмунига тарғиб қилиш ва уларни кенг тарқатиш.

Эй ёшлар, душманларингиз сизларни қанчалик кучли эканингизни билишди ва сизни бўйсундиришга қарор қилишди. Шундай экан, уларга қарши чиқинг. Чунки сизлар қанчалар арзимас бўлса-да яшашга рози бўладиган яҳудий халқ эмассиз. Шунингдек, сизлар ўз динларини роҳибларнинг расм-русумига айлантирган насроний халқ эмассиз. Сизлар Аллоҳ мағлубиятни ҳаром қилган Уммат фарзандларисиз.

﴿وَلَا تَهِنُوا وَلَا تَحْزِنُوا وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ إِنَّ كُنْشَ مُؤْمِنِينَ﴾

«Куфрга қарши курашда (сустлашмангиз) ва ғамгин бўлмангиз!
Агар (ҳақиқий) иймон эгалари бўлсангизлар, сизлар устун
бўлгувчи дирсизлар»

[Оли Имрон 139]

Сизлар на Парвардигори ва на Росули арзимас бўлишга рози бўладиган Умматсиз. Росул ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ مَعَالِيَ الْأَمْوَرِ وَأَشْرَافَهَا، وَيَكْرُهُ سَفَافَهَا»

«Албатта Аллоҳ Таоло юксак ва шарафли ишларни яхши кўради.
Бемаъниларини эса ёмон кўради».

Майин сочли ва аёллик овозига эга бўлганлар ёш юлдузлар ҳисобланмайди. Аксинча илмонийларнинг овозини ўчириб, шубҳага тушиб қолганларнинг имонларини мустаҳкамлайдиган ва олдидан атеистлар қочиб кетадиган ёшлар – ёш юлдузлардир!... Ёш юлдузлар сиёсатчиларнинг ўйинларини фош этувчи, ўз халқига золимларнинг фитналарини очиб берадиган ва уларнинг найрангларига алданмайдиган онгли, фикр мулоҳазали қаҳрамонлардир... Ёш юлдузлар Қуръон оятлари билан қуролланган ва суннатга чақирадиган ҳамда шу иккиси билан ўз биродарлари ва Умматининг фарзандларига йўл кўрсатадиган йигитлардир... Ёш юлдузлар ўзи ва хоҳишлари учун яшамайди, аксинча ўз рисолати ва мабдаси учун яшайди. Атрофидагилар қанчалик пасткаш бўлмасин, мабдаси ва рисолатини қадрлайди, пасткашлар қанчалик эгилмасин, ўз дини билан бошини кўтаради.

Эй ёшлар: Сизнинг кучингиз, хотирангиз, тилингизнинг равонлиги, интернет фани ва мулоқот усуулларини билишингиз сақофатингиз, тажрибангиз ва маърифат доиралари... булатнинг барчасини сизга Аллоҳ ато этган, улар Пайғамбарингиз ўз динини қўллаб-қувватлаш учун сизга мурожаат қиладиган ўриндир. Улар Исломни ёмон кўрсатиш учун олиб борилаётган оламшумул курашдаги қуролингиздир. Уларни занг босишига йўл қўйманг, балки уни ҳимоя қилишда кучингизни кўрсатинг. Эҳтимол, Аллоҳ Таоло мана шу қийинчиликдан кейин енгилчиликни, мағлубиятдан кейин нусратни кўрсатар. Шунда бу Уммат ёшларидан бирининг қўлида уқоб байроғи мўминларнинг қалбини даволовчи ва азиз тарзда кўтарилади. □

Уммон муфтиси Фаластин масаласига нисбатан содир этилган энг катта хато ҳақида гапирди

Уммон султонлиги муфтиси шайх Аҳмад ибн Ҳамд Ҳалилий Фаластин масаласининг ақидавий масала эканлигига урғу берар экан, уни ватан ва ирққа алоқадор араб масаласига айлантириш тарихдаги энг катта хато бўлганини айтди. У ўзининг твиттердаги саҳифасида қўйидагича изоҳ қолдирди: «Фаластин масаласи миллий ёки бирон бир ҳалққа тегишли масала эмас, балки ақидавий масаладир. Чунки у фақат ернинг босиб олинишигагина алоқадор эмас, балки унинг энг эътиборли жиҳати пайғамбарлар тарихида чуқур илдизга эга бўлган муқаддас исломий жойларнинг босиб олиниши, шунингдек, мустаҳкам иймоний ақида мезонида юксак ўринга эга бўлган қадриятларнинг оёқ-ости қилинишидир. Шу боис, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳар бир мўмин унинг устида ғаюрлик қилиши ва у учун қўзғалиши лозим». «Фаластин масаласи билан боғлиқ тарихий хато муборак Ақсо масжидининг босиб олинишга олиб келди. Биз Аллоҳ Ислом билан эҳтиром кўрсатган қавммиз. Ислом бизнинг бошпанамиз бўлиб, азизлигимиз унададир. Агар биз Исломдан бошқа нарсадан азизлик истасак, Аллоҳ бизни хор қиласди. Масжидул Ақсони, қолаверса, босиб олинган ҳар бир қарич ерни покиза қўллар, Аллоҳга боғланган қалблар, шунингдек, Аллоҳдан қўрқиб йиғлаб хатоларини кўз ёшлари билан ювадиган кўзларгина озод қиласди. Шунинг учун маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган, ерда Аллоҳнинг динини қоим қиласидиган, инсонлар учун чиқарилган энг яхши Уммат бирлашмоғи лозим – дея таъкидлади у.

Ал-Ваъй: Ҳукмдор хўжайнларига әргашаётган бошқа муфтилардан фарқли ўлароқ, бу муфти мусулмонларнинг турли масалаларига нисбатан эҳтиромга лойик позицияларга эга. Бироқ, унинг ўз юртида ва мусулмонларнинг бошқа юртларида Аллоҳ нозил қилган шариатдан бошқа қонунлар билан ҳукм юритилиши масаласида бизга ўз позициясини билдириши унинг зиммасида қолмоқда!

**Россия қўчларининг Суриядан чиқиб кетиши ҳақидаги
хабарлар қанчалик тўғри**

Суриядаги Россия күчларининг ўз ўрнини ўзgartириб, баъзи минтақалардан қисман чиқиб кетгани, шунингдек, руслар билан келишган ҳолда бўшлиқни тўлдириш вазифасини ўз зиммасига олган Эрон күчларининг таъсири кучайиши ҳисобига Россиянинг таъсири пасайгани ҳақидаги хабарлар кетма-кет келмоқда. Сўнгги бир неча кун ичида Сурия жуғрофияси Россия күчлари томонидан амалга оширилган қайта жойлаштириш саҳнасига айланди. Буни кўплаб манбалар, жумладан, Россия мухолафат газетаси «MoscowTimes» тасдиқлади. Газетага кўра, Россия президенти Владимир Путин Украина шарқидаги Донбас вилоятини аннекция қилиш бўйича тўхтаб қолган кампанияни қўллаб-қувватлаш учун Суриядаги амалиётларни қисқартиришга мажбур бўлган. Газета хос манбаларга таяниб, Россия күчларининг ҳарбий пункктлардан чиқиб кетганини тасдиқлади.

Россиянинг ҳарбий ҳаракатлари Ҳасакадаги Қамишли аэропорти, Ҳомсдаги Тайфур аэропорти ва Сурия жанубидаги ҳарбий пункктларда кузатилган. Бу эса, Эрон Инқилобий гвардияси томонидан қўллаб-қувватланган жангарилар сони бу ва бошқа ҳудудларда ортганини кўрсатади. Босқинчи (Исройл) күчларининг Сурия жанубидаги Қунайтарада Эрон томонидан қўллаб-қувватланган жангарилар мавжудлиги қайд этилган ҳарбий обьектларни бомбалаши ҳам буни тасдиқламоқда. Бу обьектларнинг бомбаланиши Сурия режими президенти Башар Асад Эронга сафар қилганидан, шунингдек, Сурияда Эроннинг ҳарбий иштироки кучайгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлганидан кейин бўлган. Баъзиларнинг фикр билдиришича, Россия күчлари сонининг қисқариши воқеий иш бўлиб, айни пайтда Россия учун Украина устувор масалага айланган ва Сурия иккинчи ўринга тушган. Бу эса, Эроннинг (Исройл)га таҳди迪 даражаси юқори эканини англатади.

Ал-Ваъй: ҳеч шубҳа йўқки, яқинда Сурия майдонида жиддий ўзгаришлар юз беради. Масалан, Россия ўзининг ҳарбий бўлинмаларини «жанговар тажриба орттиришиб бўлди», деган ҳужжат билан Украина даги жангларда

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخُرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирордадир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|--|--|-----------------------------------|
| фойдаланиш учун олиб чиқиб кетади. Ўзининг Суриядаги асосий таянчи бўлган чечен жангариларини ҳам – улардан Украинадаги урушда фойдаланиши учун – олиб чиқиб кетади. Ҳатто Сурия режимига қарашли жиноий секта қўнгилларидан ташкил топган жангарилар ҳам молиявий васвасаларга учиб чиқиб кетади... Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида кўп гапирилмоқда... Аллоҳ Таолодан сўраймизки, рўй бераётган бу воқеларда Работ замини бўлган Суриядаги мусулмонлар учун яхшилик бўлсин... Аллоҳ Таоло мусулмонларни ўлдиришда иштирок этганларнинг ҳар биридан, уларни ўзлари содир этган жиноятлардан ҳам жирканчлироқ жиноятга дучор қилиш билан ўч олсин. | | |
| (Истроил) расмийси Сисийга инсон ҳуқуқлари бўйича босимни тўхтатишга чақирди | | |
| Американинг «Axios» веб-сайти берган хабарга кўра, (Истроил) миллий хавфсизлик маслаҳатчиси Эял Холат Тель-Авив университети бошқарув кенгashi олдида қилган лекциясида ғарб давлатлари минтақанинг регионал хавфсизлик тизимида Мисрнинг муҳим давлат эканини эътиборга олган ҳолда, президент Абдулфаттоҳ Сисийга инсон ҳуқуқлари масаласида босимни тўхтатиши кераклигини айтди. (Истроил) ҳам, Қўшма Штатлар ҳам хавфсизлик масаласида Мисрни асосий ҳамкор деб билади ва босқинчи ҳукумат муносабатларни инсон ҳуқуқлари масаласидан устун қўйиш керак, деб ҳисоблади. (Истроил) расмийсининг таъкидлашича, «Сисий ҳукуматида демократик давлатларга қараганда аёлларнинг сони кўп. Аммо у ҳали ҳам фуқаролик ҳуқуқи масалаларида ўз халқини таҳқирлагани учун ҳужумга учрамоқда». Апрел ойида эълон қилинган АҚШ давлат департаментининг инсон ҳуқуқлари бўйича йиллик ҳисоботида Миср ҳукумати ёки ҳукумат вакиллари томонидан содир этилган бир қатор қонунбузарликлар, жумладан, суд қилмай ўлдириш, зўравонлик билан йўқотиб юбориш, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиш, қийноқ қўллаш ва сўз эркинлигига чекловлар қўйиш каби ишлар қайд этилган. | | |
| Ал-Ваъй: Сисий ҳақида қисқа қилиб айтадиган бўлсак, у Американинг ҳам, (Истроил)нинг ҳам асосий иттифоқчиси ва | | |

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ <i>«Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»</i> | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| <p>хавфсизлик бўйича ҳамкори бўлиб, унга қарши ҳеч қандай айблов ёки санкция жорий қилинмайди. Агар Америка уни айблайдиган бўлса, демак унинг ўз халқига қарши ёмонликлари ошкора бўлиб, сукут сақлаш мумкин бўлмай қолган бўлади. Аммо, аслини олганда у Американинг манфаати учун бўлган ўзининг қонунбузарликларидан қўрқмайди!... Зеро, Сисийнинг ҳам, Американинг ҳам манфаати битта.</p> | | |
| <p>Британия полицияси озиқ-овқат ўғриларига нисбатан юмшоқ муносабатда бўлишга чақирди</p> | | |
| <p>Коронавирус инқирози ва Украинадаги уруш натижасида мамлакат бошдан кечираётган иқтисодий оқибатлар манзарасида, Британиядаги полиция ходимлари озиқ-овқат ўғриларига юмшоқ муносабатда бўлишни маслаҳат беришди. Daily Mail веб-сайтига кўра, янги полиция нозири (собиқ Мерсисайд полицияси бошлиғи, ўтган ойда полиция бош инспектори лавозимини эгаллаган) Энди Кук бу таклифни олға суриб, зобитлар овқат учун ўғирлик қилганларни судга тортиш яхими ёки яхши эмасми, деб ўйлаб кўришлари керак, деди. Полиция бошлиғи турмуш қийинчиликларининг кучайиши жиноятчиликнинг кўпайишига олиб келишидан огоҳлантириди. Шу билан бирга, у полицияга «ҳуқуқни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бундай масалалар энг яхши тарзда ҳал қилинишини таъминлаш учун» ўз «ихтиёридан» фойдаланишни маслаҳат берди. Кук ўзига «шахсларнинг ўғирлик қилишига мутлақ ҳуқуқ беряпти» ёки «қашшоқлик туфайли жиноят содир этган шахсларни кечиришга чақирапти», деб қаралишини истамаслигини айтди. Лекин бу талаб чакана савдо билан шуғулланувчи савдогарлар ғазабини қўзғади. Улар: «дўйонларни ўғирлашга жиддий эътибор бермаслик керак, деган таклифни айтиш масъулиятсизликдир» дея огоҳлантиришиди. Британия Чакана Савдо Иттифоқи вакили Том Айронсайд бу ғояни рад этиб, «буни таклиф қилиш масъулиятсизлик», деди. У яна «Дўйон ўғрилиги кўпинча аксарияти аёллар бўлган чакана савдо ходимларига нисбатан зўравонлик қилинишига олиб келади», дея қўшимча қилди.</p> | | |

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|---|--|-----------------------------------|
| Ал-Ваъй: Бу – ўзини энг кўхна демократик давлатлардан бири деб ҳисоблаган, иқтисоди энг кучли иқтисодлардан ва давлати кучли мустамлакачи давлатлардан бири бўлган Британиядир... Шу ўринда савол туғилади: Инқироз, пандемия ва урушлар даврида одамларнинг эҳтиёжларини таъминлайдиган ҳамда одамларни жиноят ва ўғирлик қилишга мажбур қилмайдиган альтернатива тизим қани?! | | |
| Politico: «Путин патриархи» глобал черков остракизмига (бадарғасига) дуч келмоқда | | |
| <p>«Politico» журнали православ черкови етакчиси Патриарх Кириллни «Путин патриархи» деб атаб, Украинага бостириб кирилишидан бир неча ҳафта ўтгач, унинг халқаро остракизм чақириқларига дуч келганини ёзди... Журнал Кириллни «Кремлнинг қўшнисига ҳужумини қўллаб-қувватлаш учун» ўзининг Москвадаги кучли мавқеидан фойдаланганликда айблади. Кирилл бу жангни черков билан дажжол ўртасидаги курашга ўхшатди. 27 феврал куни у «Россиянинг Украинага бостириб кириши Россия билан Украина ўртасидаги тарихий бирликка қарши уришаётган «ёвуз кучга» қарши курашдир» дея билдириди. Путинга ўхшаб Кирилл ҳам Ғарбга қарши туришда консерватив қадриятларни тан олади. Кирилл Москвадаги оммавий ибодатда: «Мамлакатимиз учун оғир бўлган ушбу даврда парвардигордан ҳар биримизнинг ҳокимият атрофида бирлашишимизга ёрдам беришини сўраймиз», деди. У яна «Бу – халқимиз ўртасидаги чинакам ҳамжиҳатликни, ташқи ва ички душманларни қайтаришга қодирлигимизни кўрсатади» – деб қўшимча қилди.</p> | | |
| <p>Дунёда 150 миллионга яқин издоши бўлган рус православ черкови раҳбари Украина босқинини қўллаб-қувватлаб, бир неча ваъз ўқиди. Журнал Патриарх Кириллга қарши шикоятларнинг узун ва хунуклигини айтади. Журналда келишича, Роб Шинг исмли евангелист вазир рус православ черковини Бутун Жаҳон Черковлар Кенгашидан чиқариб юбориш кампаниясини уюштиришга ёрдам бермоқда. Иккинчи жаҳон урушидан кейин таъсис этилган бу кенгаш қароргоҳи Женевада жойлашган халқаро ташкилотдир. Ташкилот бош котиби рус православ черковини кенгашдан</p> | | |

| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
|--|---|-----------------------------------|
| чиқариб юбориш йиғилишнинг иш жадвалида бўлишини белгилаган. | | |
| <p>Ал-Ваъй: Бу – катта черковлар ўртасидаги келишмовчиликнинг чуқурлигини кўрсатади. Шу ўринда Аллоҳ Таолонинг бундай бўлиннишлар ҳақида айтган сўзларини келтирмаслик мумкин эмас. Аллоҳ Таоло айтади:</p> <p style="text-align: center;">﴿وَمِنَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّا نَصَرَى أَخَدْنَا مِيَشَقَهُمْ فَنَسُوا حَظًا مِمَّا ذُكِرُوا بِهِ فَأَغْرَيْنَا بَيْنَهُمْ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَمَةِ وَسَوْفَ يُتَبَّعُهُمُ اللَّهُ بِمَا كَانُوا يَصْنَعُونَ﴾</p> <p>«Бизлар насронийлармиз, деган кимсалардан ҳам аҳд-паймонларини олдик. Сўнг ўзларига эслатма қилиб берилган нарсалардан (кўп) ҳиссасини унутдилар. Бас, уларнинг ўрталарида то қиёмат кунигача буғзу адоватни авж олдиридик. Яқинда Аллоҳ уларга қилиб ўтган «ҳунар»ларининг хабарини беражак» [Моида 14]</p> | | |
| <p style="text-align: center;">Россиялик руҳонийлар ўз мамлакатлари Украинада олиб бораётган урушни рад этишларини эълон қилишди</p> <p>Айтилишича, россиялик руҳонийлар Россиянинг Украинага ҳужум қилишини қўллаб-қувватлаган ўз бошлиқлари Патриарх Кириллдан фарқли ўлароқ, ўз мамлакатларининг Украинада олиб бораётган урушни қораловчи позицияни эълон қилишди. 89 ёшли ота (отец) Георгий Эделштейн француз ахборот агентлигига берган интервюсида: «Мен ёмон руҳоний бўлишдан қўрқаман. Чунки мен ҳар доим ҳам барча урушларга қарши чиқмаганман», деди. 25 феврал куни веб-сайтда эълон қилинган ва эълон қилинганидан кейин ўчириб ташланган номага отец Георгий имзо чеккан. Бу номада бундай келади: «Украиналикларнинг қонига нафақат буйруқларни бажараётган рус қўмондонлари ва аскарларининг, балки бу урушни қўллаб-қувватлаётган ёки сукут сақлаётганларнинг ҳам қўллари бўялди».</p> <p>Кострома архиепархиеси раҳбари архиепископ Верапонт ҳам бу агрессияни қоралади. Бироқ норозилик шу билан тўхтаб қолмади. 6 мартағи масса пайтида (оммавий ибодатда), отец Бурдайн бу можаро ҳақида салбий сўзларни айтди. Ўша куннинг ўзида у полиция бўлимига чақирилиб,</p> | | |
| Ал-Ваъй | | |
| 51 | | |

| | | |
|--|---|-----------------------------------|
| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирорадидир. Унга зулм қилимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
| сўроқ қилинди. 10 март куни у «кармияга тухмат қилиш» айби билан 35 минг рубль (440 евро) жаримага тортилди. Бу янги жиноят бўлиб, такрорий қонунбузарлик содир этилгудек бўлса, қонун бўйича жиноятчи уч йилга озодликдан маҳрум қилинади. Ўз навбатида, 50 ёшли Бурдайн Россиянинг ҳужумига қарши ўз позицияга содик қолди. Унинг сўзларига кўра, ушбу низони танқид қиласидиган рус православ руҳонийларининг сони оз. Чунки кўпчилик «ташвиқотлар» таъсирига тушиб қолган ва юқори савияда билимга эга эмаслар. Бундан ташқари, жазо ва қонуний чоралардан қўрқув мавжуд. Унинг айтишича, полиция унинг уйи ва машинасини суратга олиш учун келган. | | |
| Россия аскарлари Украинада жанг қилишдан бош тортмоқда | | |
| <p>Гардиан газетаси Украинага қарши урушда қатнашишдан бош тортган рус аскарлари ва уларни Россия қонунчилигига кўра кутаётган қисматга ойдинлик киритган мақолани нашр қилди. Бундай вариантни танлаган аскарларга маслаҳат бериб келаётган адвокат Михаил Баняш: «Россия ҳарбий қоидаларига кўра, Украинада жанг қилишдан бош тортган аскарлар ишдан бўшатилиши мумкин, бироқ жавобгарликка тортимиши мумкин эмас», дейди. У «юзлаб ва юзлаб» аскарлар жанга юборилмаслик бўйича маслаҳат олиш учун унинг жамоаси билан алоқада бўлганини қўшимча қилди.</p> <p>«Қўмандонлар ўз аскарларини агар қаршилик қилсалар, қамоқ жазоси билан қўрқитмоқчи бўлишади. Аммо биз аскарларга осонгина «йўқ» деб айтишлари мумкинлигини айтамиз», дейди у. Баняш жанг қилишдан бош тортган аскарларга нисбатан жиноий иш очилганидан хабари йўқлигини қўшимча қиласиди. Унга кўра, агар аскар рус ерларида бўлганида жанг қилишдан бош тортишса, жиноий иш очиш учун қонуний асос йўқ. Бир қанча аскарлар «гўшт майдалагичга» бориш ўрнига ишдан бўшатилиши ёки бошқа жойга кўчирилиши танлайдилар. Баняш Россия ҳарбий қонунларига ишора қилиб, агар Россия кенг қамровли уруш эълон қилса аскарга жанг қилишдан бош тортиш қийин бўлишини айтади. Унинг таъкидлашича, «куруш даврида қоидалар тамоман бошқача бўлади, чунки урушдан бош</p> | | |

| | | |
|--|--|-----------------------------------|
| ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ | قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْرَجُوا مِنْ أَهْلِ الْأَرْضِ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир» | ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ |
| <p>тортган одим оғир жазога тортилади». Ҳарбий эксперталар ва ғарблик ҳукуматларнинг таъкидлашларича, Россия Украина урушида жуда муҳтоҷ бўлаётган нарса пиёда аскарларнинг етишмаслигидир. Ғарблик расмийларга кўра, Москва феврал ойи бошида асосий қуруқликдаги жанговар кучларнинг қарийб 80 фоизини, яъни 150 минг аскарни урушга сафарбар қилган. Аммо «Гардиан» хабарига кўра, ҳарбий техника муаммолари, ёмон ҳарбий вазият ва Украинанинг қаттиқ қаршилиги ушбу армияга катта зарар етказган.</p> <p>Ал-Ваъй: Шубҳасиз, бу уруш Россияга жиддий зарар етказади. Унинг кучли томонларидан кўра кўпроқ заиф томонларини очиб беради. Афтидан, бугун бу давлат дуч келаётган асосий муаммолардан бири бу аскарлари сонидаги етишмовчилик ва бу нарса уруш давом этгани сари янада кўпроқ фош бўлади. Буни Россия бошқаларнинг, жумладан мусулмонларнинг ёрдами билан қоплаши мумкин. Бас, мусулмонларга урушда бу икки томон (Россия ёки Украина) тарафида туриб урушда қатнашмоқлари ҳаромдир. □</p> | | |
| Ал-Ваъй | | |

ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА

﴿فَمَن يَكُفِّرُ بِالظَّاغُوتِ وَيُؤْمِنُ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرُوْةِ الْوُثْقَى﴾

«... Бас, ким тоғуттдан юз ўгирис, Аллоҳга иймон келтирса, мустаҳкам ҳалқани ушлабди...»

﴿لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ النَّجْنَى فَمَن يَكُفِّرُ بِالظَّاغُوتِ وَيُؤْمِنُ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرُوْةِ الْوُثْقَى لَا أَنْفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَيِّعُ عَلَيْمٌ ﴿۲۷﴾ أَللَّهُ وَلِئِنَّ الَّذِينَ ءَامَنُوا يُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلْمِتِ إِلَى الْأُّثُرِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أُولَئِكُمُ الظَّاغُوتُ يُخْرِجُونَهُم مِّنَ النُّورِ إِلَى الظُّلْمِتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَلِيلُوْنَ﴾

«Динга зўрлаб (киритиши) йўқдир. (Зеро) ҳақ үйл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгирис, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшигувчи, билгувчи дир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни қоронғи зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғи-зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгалари дир ва унда абадий қолажаклар»

[Бақара 256-257]

Ушбу икки оят тафсирида Ибн Касир бундай дейди: Аллоҳ Таоло

﴿لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ﴾

(Динга зўрлаб (киритиши) йўқдир), демоқда. Яъни «бирор кишини Ислом динига киришга мажбуrlаманг» маъносидадир. Чунки Исломнинг далил ва ҳужжатлари очиқ ва ёрқиндир, унга кириши учун ҳеч кимни мажбуrlашга ҳожат йўқ. Аксинча, Аллоҳ кимни Исломга ҳидоятласа, қалбини очса ва ақл-идрокини чароғон қилса, далил асосида Исломга киради. Аллоҳ кимнинг қалбини кўр қилиб қўйса, қулоғи ва кўзини муҳрлаб қўйса, уни динга мажбуrlаб киргизишнинг фойдаси йўқ. Муфассирлар ушбу оятнинг ҳукми умумий бўлса-да, лекин унинг нозил бўлишига ансорлардан бир жамоа сабаб бўлганини айтадилар.

Иbn Жарир ривоят қылған ҳадисда Иbn Аббос айтади: Бир аёлнинг фарзанди турмас эди. Шунда у аёл, агар боласи ўлмай туриб қолса, уни яҳудий қилиши ҳақида ўзига ўзи сўз берди. Бану Назир чиқариб юборилгач, уларнинг орасида ансорларнинг болалари ҳам бор эди. Ансорлар болаларимизни уларга ташлаб қўймаймиз дейишди. Шунда

﴿لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيْرِ﴾

(Динда зўрлаб (киритиш) йўқдир. Зеро ҳақ ўйл залолатдан ажраб бўлди), ояти нозил бўлди. Абу Довуд ва Насойи ривояти... Ушбу ҳадисни Иbn Абу Хотам ва Иbn Ҳиббонлар ўз саҳиҳ тўпламларида ривоят қилишган. Шунингдек, Муҳаммад, Саид ибн Жубайр, Шаъбий, Ҳасан Басрий ва бошқалар «бу оят худди мана шунинг учун нозил бўлган», дейишган. Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Аббосдан шу сўзларни келтирган: Ушбу оят Бану Солим ибн Авфдан бўлган Ҳусайнинй исмли анзорий ҳақида нозил бўлган. Унинг икки насроний ўғли бўлиб, ўзи мусулмон эди. У киши Набий ﷺга: Улар насронийликдан бошқасини хоҳлашмаяпти, уларни (Исломга) мажбурлаб киргизайми? – деган эди, Аллоҳ Ушбу оятни нозил қилди.

Аллоҳ Таолонинг

﴿فَمَن يَكْفُرُ بِالظَّاغُوتِ وَبِأُمِّنَ بِاللَّهِ فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرُوهِ الْوُثْقَى لَا أَنِفَصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلَيْمٌ﴾

(Ким тоғутдан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган ҳалқани ушлабди. Аллоҳ эшитгувчи ва билгувчидир), деган қавлига келсақ, унинг маъноси шуки, ким Аллоҳга ширк келтирмаса, бутларни тарқ этса ва шайтон чақираётган Аллоҳдан бошқага ибодат қилишни тарқ қилса, Аллоҳни ёлғиз деб билиб, Үнгагина ибодат қилса ва Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб гувоҳлик берса у

﴿فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرُوهِ الْوُثْقَى﴾

(Ҳеч ажраб кетмайдиган ҳалқани ушлабди). Бошқача айтганда, ўз ишида сабот билан турибди ва тўғри йўлни ушлабди. Абулқосим Бағавий айтади: Абу Рух Баладий Ахваз Салом ибн Салимдан, у Абу Исҳоқдан, у эса Ҳассондан, яъни ибн Фоид Абасийдан ривоят қилишича, Умар رض бундай дейди: Албатта жибит сеҳрдир, тоғут эса шайтондир. Жасурлик ва қўрқоқлик эркак кишида бўладиган

ғаризалардир. Жасур одам үзи танимаган киши билан жанг қиласы, құрқоқ эса онасидан ҳам қочади. Албатта әркак кишининг олийжаноблиги – у форс ёки набатий бўлишидан қатъий назар – динидир, тақдирлашга арзийдиган иши эса хулқидир. Ибн Жарир ва ибн Абу Хотам Саврийдан шундай ривоят қилишган: Тоғут сўзининг маъноси энг кучли шайтон деганидир. Чунки бу жоҳилият аҳли шуғулланган бутларга ибодат қилиш, улардан ҳукм сўраш ва ёрдам сўраш каби барча ёмон ишларни ўз ичига олади.

﴿فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَى لَا أَنْفِصَامَ لَهَا﴾

(Хеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди) қавлининг маъноси диндан энг кучли сабабни ушлабди деганидир. У ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқага ўхшатилмоқда. Чунки у үзи пишиқ, кучли, мустаҳкам эшилган ва боғлагандан ўта бақувватдир. Шунинг учун

﴿فَقَدِ اسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُثْقَى لَا أَنْفِصَامَ لَهَا وَاللَّهُ سَيِّعٌ عَلَيْهِ﴾

(Хеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ әшиштгувчи, билгувчидир), деяпти. Мужоҳиддан мустаҳкам ҳалқа – иймондир), дегани нақл қилинган. Саъдий эса Ислом деган. Саид ибн Жубайр ва Заҳҳоклар Ла илаҳа иллаллоҳ деса, Анас ибн Молик уни Құръон деган. Солим ибн Абул Жаъд уни Аллоҳ йўлида яхши кўриш ва Аллоҳ учун ғазабланиш деган... Ибн Касир: Бу сўзларнинг барчаси саҳиҳ ва уларнинг ўртасида зиддият йўқ дейди.

Муоз ибн Жабал

﴿لَا أَنْفِصَامَ لَهَا﴾

(Хеч ажраб кетмайдиган) қавли ҳақида «жаннатга киргунча узилмайдиган» маъносида деган. Имом Аҳмад Мұхаммаддан, у эса Қайс ибн Ибоддан ривоят қилиб айтади: Масжидда ўтирган әдим, юзида хушуънинг аломати бўлган бир киши келди-да, қисқа қилиб икки ракат намоз ўқиди. Қавм у ҳақда бу киши жаннат аҳлидан дейишди. У масжиддан чиққач, үйига киргунича ортидан кузатиб бордим. Сўнг үйига кириб, у билан сұхбатлашдим. У билан танишиб олгач, унга: Одамлар сен масжидга кирганингда шундай-шундай сўзларни айтишди дедим. Шунда у: Субҳаналлоҳ, ҳеч ким ўзи билмаган нарсани гапирмаслиги керак. Нима бўлганини сенга айтиб берай, мен Росулуллоҳ ғуломнинг ҳаёт даврларида бир туш кўрдим ва уни Росулуллоҳ ғуломга айтиб бердим. Тушимда мен бир

ям-яшил боғда эканман. (Ибн Авн үнинг қанчалик яшиллиги ва кенглиги ҳақида айтди деган). Унинг ўртасида темир устунлар бўлиб, ости ерда тепаси осмонда эди. Энг тепасида бир ҳалқа бўлиб, менга тепасига чиқ дейилди. Мен чиқа олмайман дедим, олдимга бир хизматкор келди (Ибн Авн уни ёш ўсмир деган) ва орқамдан кийимимни кўтариб, чиқ деди. Шунда мен унга чиқиб ҳалқани ушладим. Ўша ҳалқа қўлимда пайтимда уйғониб кетдим. Сўнгра Росулуллоҳ ﷺ га бориб тушимни айтиб бердим. Шунда у Киши ﷺ:

«أَمَا الرُّوْضَةُ فِي رُوْضَةِ الْإِسْلَامِ، وَأَمَا الْعُمُودُ فِي عُمُودِ الْإِسْلَامِ، وَأَمَا الْعُرُوْةُ فِي عُرُوْةِ الْوَثْقَى،
أَنْتَ عَلَى إِسْلَامٍ حَتَّى تَمُوتُ»

«Аммо боғ Ислом боғидир, устунлар Ислом устунлариdir. Ҳалқа эса мустаҳкам ҳалқа бўлиб, сен ўлгунингча Исломда бўласан» дедилар. Ибн Авннинг айтишича, у Абдуллоҳ ибн Салом эди. Бухорий ва Муслимлар ўз саҳих тўпламида Абдуллоҳ ибн Авндан ривоят қилишган. Бухорий уни бошқа йўл орқали, Мұхаммад ибн Сирийндан ривоят қилган.

Аллоҳ Таолонинг:

﴿أَللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ ءَامَنُوا يُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلْمِ إِلَى الْتُّورِ وَالَّذِينَ كَفَرُوا أُولَئِكُو هُمُ الظَّاغُونُ
يُخْرِجُونَهُم مِّنَ التُّورِ إِلَى الظُّلْمِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا حَلَّادُونَ﴾

(Аллоҳ мўминларнинг дўстидир, уларни қоронғи зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғи зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгалариdir ва унда абадий қолажаклар). Бу оятда Аллоҳ Таоло хабар бермоқдаки, ким у зотнинг розилигини истаса, уни нажот йўлларига ҳидоятлади. Мўмин бандаларини куфр, шак-шубҳа ва гумон зулматларидан ёрқин, тиник, ёруғ ҳақиқат нурига олиб чиқади. Кофирларнинг дўстлари эса шайтондир. Шайтон уларга ўзларидаги жаҳолат ва залолатни зийнатли қилиб кўрсатади. Шунингдек, уларни ҳақ йўлидан куфр ва бўхтонга чиқаради

﴿أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا حَلَّادُونَ﴾

«Ана ўшалар жаҳаннам эгалариdir ва унда абадий қолажаклар». Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло нур лафзини бирлик,

зүлмат лафзини күплик шаклида қўллади. Чунки ҳақиқат битта ва куфрнинг тури кўп бўлиб, барчаси ботилдир.

﴿وَأَنَّ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَشْيُعُوا أَسْبِلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ ذَلِكُمْ وَصَلْكُمْ بِهِ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ﴾

«Албатта, мана шу Менинг Тўғри Йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! (Бошқа) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг ўлидан узид қўяр. Шояд тақво қилсангиз, деб сизларни мана шу нарсаларга буюрди» [Анъом 153]

﴿وَجَعَلَ الظُّلْمَتِ وَالنُّورَ﴾

«Зулматлар ва нурни таратган»

[Анъом 1]

﴿عَنِ الْيَمِينِ وَالشَّمَائِلِ﴾

«Ўнгу сўлларига»

[Наҳр 48]

Бундан бошқа бир қанча оятлар ҳам борки, уларда ҳақнинг ягоналиги ҳамда ботилнинг ўзига хослиги ва табақаланиши тўғрисида айтилади.

Ибн Абу Хотам айтади: Отам Али ибн Муяссарадан, у Абдулазиз ибн Абу Усмондан, у эса Мусо ибн Убайдадан ривоят қилишича, Айюб ибн Холид айтади: Аҳли нафслар тирилтирилур (ёки фитна аҳли тирилтирилур, деди), бас кимки иймонга мафтун бўлса, унинг мафтунлиги оқ ва нурли, ким куфрга мафтун бўлса, унинг мафтунлиги қора ва қоронғи бўлади, деб ушбу оятни ўқиди.

﴿اللَّهُ وَلِئِنِّي أَذْنَيْنَ إِمَانُوا يُخْرِجُهُمْ مِنَ الظُّلْمَتِ إِلَى النُّورِ وَلِئِنِّي كَفَرُوا أَوْلَيَاوْهُمُ الظَّلْغُوتُ يُخْرِجُوْهُمْ مِنَ النُّورِ إِلَى الظُّلْمَتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

(Аллоҳ мўминларнинг дўстидир, уларни қоронғи зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради. Коғирларнинг дўстлари эса шайтонлардир, Улар коғирларни ёруғлик-нурдан қоронғи зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар).

Ушбу икки оят ҳақида Сайид Қутбнинг Құръон соясида номли тафсирида шундай келади:

Эътиқод масаласи – бу дин таъкидлаганидек – мажбурлаш ва зўрлаш масаласи эмас, балки тушунтириш ва идрокдан кейин қаноат ҳосил қилиш масаласидир. Дарҳақиқат, бу дин кучи ва тоқатига қараб инсон идрокига мурожаат қилиш учун келди. У ички фитратга мурожаат қилганидек, фикрловчи ақлга, ақли бор

түйғуга ва ҳаяжонли вијждонга мурожаат қиласы. У инсоний вүжүд ва инсоний идрокнинг барча жиҳатларига ҳеч қандай мажбуровсиз, кузатувчиларини лол қолдирадиган моддий мұйжизалар билан мурожаат қиласы. Лекин англаб, идрок қилиб бўлмайдиган ва ақл етмайдиган онг ва идроқдан ташқари нарсалар билан мурожаат қилмайди. Бу дин инсониятга мажбуровчи ғайритабий нарсалар билан мурожаат қилмас экан, демак у зўрлаш ва куч ишлатиш билан мурожаат қилмаслиги табиийдир. Токи, инсоният бу динни тушунмай ва қаноат ҳосил қилмай, зўрлаш, қўрқитиш ва босим остида қабул қилишга мажбур бўлмасин.

Исломдан олдинги сўнгги дин бўлмиш масиҳийлик дини император Константин томонидан қабул қилиши биланоқ Рим давлати уни қурол, қийноқ ва зулм воситалари билан ўрнатган. Олдинроқ бу динни ишонч ва муҳаббат билан қабул қилган кам сонли насронийларга нисбатан ҳам мана шундай шафқатсизлик ва ваҳшийлик услубини қўллаган эди. Мажбуровш ва зўрлаш воситалари нафақат масиҳийликни қабул қилмаганларга қўлланилди, балки давлат мазҳабига кирмаган ва Масиҳнинг табиати борасидаги айрим эътиқодларда ўзгача фикрлайдиган масиҳийлар билан ҳам шафқатсиз муносабатда бўлди.

Шундан кейин Ислом келгач

﴿لَا إِكْرَاهٌ فِي الْدِينِ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيْرِ﴾

(Динда зўрлаб (киритиш) ўйқодир. Зеро ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди), маъносидаги улуғ қоидани эълон қилди. Бу қоидада Аллоҳ Таолонинг инсонни ҳурмат қилиши, унинг иродаси, фикри ва ҳис түйғуларини ҳурмат қилиши очиқ кўриниб туради. Шунингдек, эътиқодга оид ҳидоят ва залолатга хос ишларни инсоннинг ўзига ташлаб қўйгани ҳамда амал қилиш ва ўзини ҳисоб-китоб қилиш масъулиягини унинг ўзига юклаб қўйгани намоён бўлади. Бу инсоний ҳурриятнинг ўзига хос белгилариdir. Йигирманчи асрда инсонни ҳўрловчи режимлар ва зўравон назариялар бу ҳурриятни инкор этди. Улар Аллоҳ Таоло эътиқод эркинлигини бериш орқали ҳурматлаб қўйган бу мавжудотга ўз қалбини ўзи ихтиёр этган ҳаёт ва унинг низомлари ҳақидаги тушунчалар билан тўлдиришига рухсат бермайди. Яъни улар давлат ўзининг инструктив органлари орқали, сўнгра қонун ва қоидалари орқали кўрсатиб берадиган эътиқодгагина рухсат

беришади. Шахс давлат қабул қылған ва ушбу коинотнинг эгаси бўлмиш Аллоҳга иймон келтиришдан қайтарадиган таълимотни қабул қилиш керак ёки турли восита ва услублар орқали амалга ошириладиган ўлимга дучор бўлиши керак!... Ислом коинот ва ҳаёт ҳақидаги энг юксак тушунчадир ва шубҳасиз жамият учун энг тўғри йўлдир. У «^{لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ لَا دِينٌ يُرْكَبُ إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ}» деб нидо қилади ҳамда бошқалардан олдин мусулмонларга одамларни бу динга зўрлаб киргизмасликларини тушунтиради. Бошқа зўравон ва нуқсонли таълимот ва тузумлар қандай Исломга тенглаштирилиши мумкин, ваҳоланки улар давлат кучи билан зўрлаб киргизилади ва унга қарши бўлганларнинг яшашига йўл қўйилмайди?!

Бу ерда ибора мутлақ инкор шаклида келмоқда: «^{لَا إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ لَا دِينٌ يُرْكَبُ إِكْرَاهٌ فِي الدِّينِ}» динда зўрлаб киритиш ўйқунашадиган. Наҳв фани олимлари айтганидек мажбурлаш жинсини инкор қилиш бор. Яъни бошидаёқ инкор этиб, нафақат у билан шуғулланишдан қайтармоқда, балки оламда бундай иш содир бўлиши мумкин эмас, демоқда. Инкор маъносидаги қайтарув, яъни нафи жинс далолати қатъийдир. Бу ердаги оқим инсон қалбига этиб, уни үйғотади, ҳидоятга чорлайди, тўғри йўлга етаклайди ва ёрқин бўлиб қолган иймон ҳақиқатини баён қилади ҳамда

﴿قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيْرِ﴾

(Зеро ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди), таъкидлайди. Демак иймон – бу инсон излаши ва унга интилиши керак бўлган тўғри йўл-йўриқдир. Куфр эса, инсон нафратланиши ва сақланиши керак бўлган залолатdir. Воқелик ҳам шуни тасдиқлайди. Агар инсон иймон неъмати ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрса, яъни иймон неъмати инсоний идрокка берган аниқ ва тиниқ тасаввур ҳақида, инсоний қалбга соглан тинчлик ва хотиржамлик ҳақида ва инсон нафсида қўзғатган юксак эътибор ва соғ туйғулар ҳақида ҳамда инсоний жамиятда рўёбга чиқарган ҳаётни тараққий эттиришга ундовчи тўғри, мустаҳкам ва соғлом низом ҳақида яхшилаб ўйлаб кўрса, инсон албатта тўғри йўлни топади. Буни фақат тўғри йўлни тарқ этиб, эгри йўлда юрадиган, ҳидоятни ташлаб, залолатни танлайдиган, хотиржамлик, тинчлик, юксаклик ва олийликнинг ўрнига адашиш, изтироб, тушкунлик ва янглишни танлайдиган аҳмоқларгина инкор этиши мумкин. Агар инсон мана шу жиҳатдан

иімон неъмати ҳақида яхшилаб ўйлаб күрса, иімон ҳақиқатини янада күпроқ түшунади.

﴿فَمَن يَكْفُرُ بِالظَّغْوَتِ وَبِمَن بِاللَّهِ فَقَدْ أَسْتَمْسَكَ بِالْعُرْوَةِ الْوُتْقَى لَا أَنْفِصَامَ لَهَا﴾

«Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳға иімон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқаны ушлабди». Албатта куфр куфрга лойиқ бўлган нарсага, яъни «тоғут»га қаратилиши керак. Иімон эса иімонга лойиқ бўлган кучга, яъни «Аллоҳ»га қаратилган бўлиши керак.

Тоғут туғёндан олинган бўлиб, онгга қарши туғён қиласидиган, ҳақиқатга қарши чиқадиган, Аллоҳ ўз бандалари учун чизиб берган чегаралардан ўтиб кетадиган ҳар бир нарсани ифодалайди. Унда Аллоҳ ва У Зот йўл қилиб берган шариат борасида мустаҳкам ақида бўлмайди. Аллоҳға суюнмайдиган ҳар қандай манҳаж, тасаввур, ҳолат, адабиёт ва анъана тоғутдир. Ким шуларнинг барчаси ва ҳар қандай туридан юз ўгириса ва Аллоҳға иімон келтирса, у зотга суюнса нажот топади. Унинг нажоти ҳеч ажрамайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлашида намоён бўлади. Бу ерда биз ўзимизни шуурий ва маънавий ҳақиқатнинг ҳис қилса бўладиган сурат олдида топамиз. Аллоҳға бўлган иімон ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқадир. У үзилмайдиган пишиқдир. Уни ушлаган киши нажот йўлини йўқотмайди. У ҳалокат ва нажот эгаси бўлган Зотга боғлиқдир... Иімон аслида, илк ҳақиқатга – яъни Аллоҳнинг ҳақиқатига – йўл топиш бўлиб, борлиқдаги барча ҳақиқатлар шунга асосланади. Иімон шунингдек, Аллоҳ ушбу мавжудот учун тузиб берган қонуннинг ҳақиқатига йўл топиш ҳамдир. Ким иімоннинг ажралмас ҳалқасини маҳкам ушласа, ўз Роббиси томон йўл топади, шунда у лойга ботмайди, ортда ҳам қолмайди ҳамда тентирааб залолатга тушмайди.

﴿وَاللَّهُ سَيِّعٌ عَلَيْمٌ﴾

(**Аллоҳ әшиштгувчи, билгувчи**) дидир) яъни тиллардан чиққан сўзларни әшигади, қалbdаги яширин нарсаларни билади, деганидир. Унга боғланган мўмин адолатсизлик ва зулм қилмайди ва умидсизликка тушмайди.

﴿أَللَّهُ وَلِئِنْ أَذَّنَ إِنَّ الظُّلْمَتِ إِلَى النُّورِ وَلَذِينَ كَفَرُوا أُولَئِكُمْ الظَّغْوَتُ﴾

﴿يُخْرِجُونَهُم مِّنَ النُّورِ إِلَى الظُّلْمَتِ أُولَئِكَ أَصْحَابُ النَّارِ هُمْ فِيهَا خَالِدُونَ﴾

(Аллоҳ мўминларнинг дўстидир, уларни қоронғи зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғи зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар). Бунда гапнинг оқими жонли, таъсирчан ва ҳис қилинадиган манзарада ҳидоят ва залолат йўлини тасвирлаяпти. Ҳидоят йўли қандай бўлишию залолат йўли нималигини тасвирлаяпти... Шунингдек, мўминларнинг дўсти бўлмиш Аллоҳ қандай уларнинг қўлидан тутиб, зулматлардан нурга олиб чиқишини ҳамда кофирларнинг дўсти шайтонлар уларнинг қўлидан ушлаб қандай нурдан зулматларга олиб чиқишини тасвирлаяпти. Бу жонли, ҳайратланарли ва таъсирли манзара бўлиб, унда тасаввур ҳар икки тоифани диққат билан кузатади. Бошқача айтганда, бу тасаввурни қўзғатмайдиган, туйғуга тегмайдиган, виждонни үйғотмайдиган ҳамда зеҳнларга фақат маъно ва лафзлар билан мурожаат қиласидиган хаёлий ифода эмаслиги намоён бўлади. Агар биз Қуръоннинг тасвирлаш йўли нақадар юксаклигини билмоқчи бўлсан, мана шу жонли манзара ўрнига ҳар қандай хаёлий ифодани қўйиб кўрайлик. Масалан

الله ولي الدين آمنوا يهديهم إلى الإيمان. والذين كفروا أولياؤهم الطاغوت يقودوهم إلى الكفران

«Аллоҳ мўминларнинг дўстидир. Уларни иймонга етаклайди. Кофирларнинг дўсти эса шайтонлардир. Уларни куфрға етаклайди» десак, бу ерда ифода ўлади ва жонли тасвирланган теран ифода қаршисида ўзидаги тириклик ва ҳаракатни йўқотади. Оятда эса, бундай келяпти:

﴿الله ولي الدين آمنوا يخرجونهم من الظلمت إلى النور والذين كفروا أولياؤهم الطاغوت يخرجونهم من النور إلى الظلمت أولئك أصحاب النار هم فيها خلدون﴾

(Аллоҳ мўминларнинг дўстидир, уларни қоронғи зулматлардан ёруғлик-нурга чиқаради. Кофирларнинг дўстлари эса шайтонлардир. Улар кофирларни ёруғлик-нурдан қоронғи зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар).

Албатта иймон нурдир, ўз табиати ва ҳақиқатида ягона нурдир. Күфр эса қоронғи зулмат бўлиб, унинг турлари кўп бўлса-да, барчаси зулматдир. Иймонни нур деб ва күфрни эса зулмат деб ифодалашдан кўра тўғрироқ ва аниқроқ ҳақиқат йўқ. Иймон нур бўлиб, у мўминнинг қалбига кириши биланоқ унинг вужуди ва

руҳи чарақлайди, атрофидагиларни нүр, ёрқинлик ва соғлиқка түлдиради... Бу нүр нарсалар, қийматлар ва тасаввурларнинг ҳақиқатини очиб беради. Натижада, мұміннинг қалби үша ҳақиқатларни аниқ ва очиқ ҳамда үз үрнида барқарор күради. Шунингдек, бу нүр вужуд қонуни томон йўл очади, шунда мұмін у орқали ўзи ва вужуд қонуни ўртасидаги ҳаракатни мувофиқлаштиради. Мұмін Аллоҳга қараб юришида юмшоқлик ва енгиллик билан юради, зўравонлик қилмайди, зарбаларга тўқнашмайди ва у ер, бу ерда тентираб юрмайди. Унинг фитратидаги йўл очиқ ва маълумдир. У ягона нүр бўлиб, ягона йўлга етаклайди. Аммо куфр залолати турли зулматлардан иборат. Нафс ва шаҳват зулмати, адашиш ва сарсон-саргардонлик зулмати, кибр ва туғён зулмати, заифлик ва хорлик зулмати, риё ва мунофиқлик зулмати, тама ва очкўзлик зулмати, шак-шубҳа ва изтироб зулмати... ва ҳоказо сон-саноқсиз зулматлар бўлиб, улар Аллоҳнинг йўлидан узоқлашиш, Аллоҳдан бошқасига бўйсуниш ва Аллоҳдан бошқасининг режаси учун ишлаш оқибатида пайдо бўлади... Инсон мана шу турли туман зулматларга кирмагунича Аллоҳнинг яхлит нурини ташламайди. Зулмат эгаларининг оқибати ўзларига лойиқдир

﴿أَوْلَئِكَ أَصْحَابُ الْنَّارِ هُمْ فِيهَا﴾

(Ана ўшалар жаҳаннам эгалариdir ва унда абадий қолажаклар). Улар нурга эргашмас эканлар, жаҳаннамда абадий қолажаклар. Ҳа, нур ягона, у бўлинмайди, залолат эса турли-тумандир... Ҳақиқатдан кейин фақат залолат бўлади! □

ЖАННАТ БОГЛАРИ

قالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ : إِذَا هَرَرْتُمْ بِرِيَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعُوا
Расулуллоҳ Ҳедилар: «Агар жаннат боғларидан утсангизлар, (мұл-күл мевалардан) тотинглар»

ЖАННАТ БОГЛАРИ

НУСРАТ ҚУЧИШ ҲАМДА ҚИЁМАТ КУНИГА ҚАДАР ИШНИНГ ҚАРОР ТОПИБ, ҒОЛИБ БҮЛИШ ҲАҚИДА БАШОРАТ ҚИЛГАН ҲАДИСИ ШАРИФЛАР... (2)

– Бароъ ибн Озиб шундай ривоят қиласи: Расулуллоҳ Ҳедилар бизни хандақ қазишга буюрдилар. Хандақ қазиш чоғида чүқмор ололмайдиган бир харсанг тошга йўлиқдик. Бу ҳақда Расулуллоҳга шикоят қилган эдик, у киши келиб, тўнини ечдилар ва тошнинг устига чиқиб, чўқморни олдилар. Сўнг бисмиллаҳ деб, тошни урган эдилар, унинг учдан бири синди. Шунда Расулуллоҳ Ҳедилар:

«اللَّهُ أَكْبَرُ، أُعْطِيْتُ مَفَاتِحَ الشَّامِ، وَاللَّهُ إِنِّي لَا بُصُرٌ قَصْرُهَا الْخُمْرُ مِنْ مَكَانٍ هَذَا»

«Аллоҳу акбар, менга Шом калитлари берилди. Аллоҳга қасамки, мен шу жойдан туриб, унинг қизил қасрларини кўряпман». Сўнг бисмиллаҳ деб яна урган эдилар, тошнинг яна учдан бири синди. Шунда у киши:

«اللَّهُ أَكْبَرُ، أُعْطِيْتُ مَفَاتِحَ فَارِسَ، وَاللَّهُ إِنِّي لَا بُصُرٌ الْمَدَائِنَ وَأُبْصِرُ قَصْرَهَا الْأَبِيَضَ مِنْ مَكَانٍ هَذَا»

«Аллоҳу акбар, менга Форс калитлари берилди. Мен шу жойдан туриб Мадоин ва унинг оқ қасрларини кўряпман», дедилар. Сўнг бисмиллаҳ деб яна бир урган эдилар тошнинг қолган қисми ҳам майдаланиб кетди. Шунда Расулуллоҳ Ҳедилар:

«اللَّهُ أَكْبَرُ، أُعْطِيْتُ مَفَاتِحَ الْيَمَنِ، وَاللَّهُ إِنِّي لَا بُصُرٌ أَبْوَابَ صَنْعَاءِ مِنْ مَكَانٍ هَذَا»

Аллоҳу акбар, менга Яман калитлари берилди. Аллоҳга қасамки, мен шу жойдан туриб Санъони кўряпман», дедилар. (Имом Аҳмад ривояти). Ушбу ҳадис буюк фатҳлар ҳақида башорат қилмоқда ва бу башоратлар мусулмонлар қамалда қолиб, душмандан ҳимояланиш учун хандақ қазиётган бир пайтда айтилмоқда. Яна унда мусулмонлар мусибат ва изтироблар исканжасида турган бир пайтда, келажакда ушбу диннинг ғолиб бўлиши, унга форслар ва

византияликлар каби катта халқларнинг ўз аҳли ва бойликлари билан бўйсуниши тилга олинмоқда. Бундан ташқари, ҳадисда хандақ қазиш ишларида Росууллоҳ ﷺнинг ўзлари ҳам қатнашганлари айтилмоқда.

— Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: Биз Росууллоҳ ﷺ атрофида ёзиб ўтирган эдик, У кишидан қайси шаҳар биринчи фатҳ қилинади, Константинополми ёки Римми, деб сўрашди. Шунда Росууллоҳ ﷺ:

«مَدِينَةُ هَرَقْلَ تُفْتَحُ أَوْلًا. يَعْنِي قُسْطَنْطِينِيَّةً»

«Ираклининг шаҳри, яъни Константинопол биринчи бўлиб фатҳ қилинади», деб жавоб бердилар. Имом Аҳмад ривояти. Бу ҳадис фатҳ ҳақида мусулмонларга башорат бермоқда. Константинопол ва Рим насронийларнинг иккى пойтахтидир. Ҳадис Исломнинг ҳукмрон бўлишига ҳамда унинг ҳукмронлиги ва юксалиши олам бўйлаб кенгайишига далолат қиласи. Ибн Умар шундай дейди: Мен Росууллоҳ ﷺни шундай деб айтиётганини эшитганман:

«ثَقَاتُكُمُ الْيَهُودُ فَتَسْلَطُونَ عَلَيْهِمْ مُّمُّ يَقُولُ الْحَجَرُ يَا مُسْلِمُ، هَذَا يَهُودِيٌّ وَرَأَيَ فَاقْشَلَهُ»

«Сизлар яҳудийлар билан жанг қилиб, ғолиб бўласизлар. Шунда тошлар ҳам, эй мусулмон ортимда яҳудий турибди, уни ўлдир дейди». Бухорий ривояти. Агар бу икки ҳадисни бир-бирига қўшсак, улар ҳар иккиси ҳам саҳиҳ бўлиб, хушхабар берувчи ҳадислардир. Мусулмон одам уларни эшитганда ўз дини ишларига шўнғиб, мана шу хушхабарни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қиласи. Мусулмон ўз ўрнида ўтириб олиб, ўша кунлар келишини кутмайди. Агар бу ҳадислар бир-бирига қўшиладиган бўлса, Ислом дини барча динлар (насронийлик ва яҳудийлик) ва барча давлатлар устидан ҳукмрон бўлишини ҳамда Ёлғиз Аллоҳнинг калимаси олий бўлишини ифодалайди.

— Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«عُشْتُ بِجَوَامِعِ الْكَلِمِ، وَنُصِرْتُ بِالرُّغْبِ، فَبَيْنَا أَنَا نَائِمٌ أُتِيتُ بِمَفَاتِيحِ خَرَائِنِ الْأَرْضِ
فُوْضَعْتُ فِي يَدِي»

«Мен жамловчи калималар (Қуръон ва суннат) билан юборилдим. Менга (бир ойлик масофадан туриб) қўрқитиш (неъмати) берилди. Тушимда менга ер хазиналарининг калити берилди». Абу Ҳурайра айтади: «Росулуллоҳ сизлар ўша хазиналарга эга бўласизлар деб кетдилар». Муттафақун алайҳ. Бу ҳадисда Уммат Росулуллоҳ  дан кейин у кишининг йўлидан бориши ва шунинг учун Аллоҳ унга нусрат бериши ҳамда юртлар фатҳ бўлиши ва Уммат уларнинг бойликларига эга бўлиши ҳақида хушхабар бордир.

— Абу Умома Боҳилий ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ  шундай дейди:

«وَلَا يَرَأُ إِلَيْهِمْ يَرِيدُ، وَيَنْقُصُ الشَّرُكُ وَأَهْلُهُ، حَتَّى تَسِيرَ الْمَوَاقِنَ لَا تَخْشَى إِلَّا
جُورًا، وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَا تَدْهَبُ الْأَيَامُ وَاللَّيَالِي حَتَّى يَبْلُغَ هَذَا الدِّينُ مَبْلَغَ هَذَا
الْجُمْحُرِ»

«Исломнинг кенгайиши давом этади, ширк ва унинг аҳли эса камайиб бораверади, ҳатто икки аёл бир жойга бориб қайтса фақат (золимнинг) зулмидангина қўрқади. Жоним қўлида бўлган зотга қасамки, ҳеч қанча вақт ўтмай, бу дин ушбу юлдузлар етган жойгача етиб боради». Табароний ўзининг Кабирида ривоят қилган. Бу ҳадисда Исломнинг мартабаси юлдузлар каби юксалиши ҳамда унинг нури ер юзига таралиши ҳамда у юлдуз каби бўлиб инсоният у орқали тўғри йўл топиши ва унинг таълимотларига эргашиши ҳақида хушхабар бор.

— Оиша  айтади: Росулуллоҳ  нинг охирги айтган сўзлари:

«لَا يُتَرَكُ بِجَزِيرَةِ الْعَرَبِ دِيَانِ»

«Араб ярим оролида икки дин бирлашмайди», дейиши бўлди. Аҳмад ривояти. Бу ҳадисда икки ҳарам юрти, ваҳий маскани, нур ва ояллар макони ва кўнгиллар ҳаваси бўлган

Араб ярим оролининг мартабаси ва уни куфр ифлослигидан ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида далил бор. Унинг ҳудуди тўғрисида Қомусда шундай дейилади: «Араб ярим ороли Ҳинд денгизи ва Шом денгизи ўраб турган, Дажла ва Фурот оралиғидаги, узунлиги Адан Абяндан Шомгача, кенглиги Жиддадан Ироққача бўлган жойдир». Бу ҳадис таклифий ҳадислардан бўлиб, мусулмонлар уни рўёбга чиқаришган. Лекин ҳозирги замон ҳокимлари бугунги авлоддан ушбу ваъдага хилоф иш қилишларини хоҳлашмоқда.

— Абдуллоҳ ибн Ҳавола ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ шундай дейди:

«فَإِنَّ اللَّهَ قَدْ تَكَفَّلَ لِي بِالشَّامِ، وَأَهْلَهِ»

«Аллоҳ Таоло мен учун Шом ва унинг аҳлини (куфр ёмонлигидан сақлашга) кафил бўлди». Имом Аҳмад ривояти. Бу саҳиҳ ҳадис бўлиб, унда Шом юртининг фазилати айтилган. Унда охирги замонда фитналар кўпайиши ва ўша фитналар замонида Аллоҳ Таоло Шомни сақлаши, Ислом таянчи Шомда бўлиши ҳақида айтилган. Бундан ташқари, бу ҳадисда мусулмонлар ҳис қилиб турган ва умид қилиб кутаётган нусрат хушхабари мавжуд. Хусусан, Росулуллоҳ нинг:

«وَعَفَرُ دَارُ الْمُؤْمِنِينَ الشَّامُ»

«Шом мўминлар диёрининг марказиdir», деган ҳадисини қўшадиган бўлсак, Аллоҳ хоҳласа бу иш яқинда юз беради. Бугунги воқелик уни тасдиқламасада, эртанги воқелик тасдиқлайди. Кутган киши учун эртанги кун жуда яқиндир.

— Нофеъ ибн Утба ривоят қилган ҳадисда Росулуллоҳ шундай дейди:

«تَغْرُونَ جَزِيرَةَ الْعَرَبِ فَيَقْتَحِمُهَا اللَّهُ، ثُمَّ فَارَسَ فَيَقْتَحِمُهَا اللَّهُ، ثُمَّ تَغْرُونَ الرُّومَ، فَيَقْتَحِمُهَا اللَّهُ، ثُمَّ تَغْرُونَ الدَّجَالَ فَيَقْتَحِمُهَا اللَّهُ»

«Сизлар Араб ярим оролига ҳужум қиласизлар, Аллоҳ уни фатҳ қиласиди, сўнг Форс юртига уруш қиласизлар, Аллоҳ уни ҳам фатҳ қиласиди, ундан сўнг Румга қарши уруш қиласизлар Аллоҳ уни ҳам фатҳ қиласиди, Дажжолга қарши уруш

қиласизлар, Аллоҳ үни ҳам фатҳ қиласи». Имом Муслим ривояти. Ушбу ҳадисда модомики мусулмон Аллоҳ билан бергә экан, мағлуб бўлмаслиги ҳақида мусулмоннинг иймонини қувватлаш бор. Ҳадисда Фатҳ калимасининг тўрт марта такрорланиши мусулмонлар ҳар бир фатҳда Аллоҳ билан бергә бўлишига ва охирги замонгacha ўз динлари билан бергә бўлишига ишора бор. Бу эса, Дажжолга қарши нусратда ўз аксини топади. Булар Ислом қувватининг бошқа динлар, ҳазоратлар ва қийматлар устидан ғолиб бўлиши ҳақида хушхабар берадиган ҳадислардан баъзиларидир. □

ТУЛАЙХА ИБН ХУВАЙЛИД ИБН НАВФАЛ

Мұхаммад ибн Каъб Қуразий айтади: Бану Асаддан бўлган ўн киши ҳижратнинг тўққизинчи йилида Саййидимиз Росулуллоҳ ﷺ га элчи бўлиб келишди, уларнинг орасида Тулайха ибн Хувайлид ҳам бор эди. Улар келганда Росулуллоҳ ﷺ саҳобалари билан масжида ўтирган эдилар. Улар салом беришгач, орасидан биттаси: Эй Аллоҳнинг росули, биз Аллоҳ ягона, унинг шериги йўқ ва сиз унинг қули ва элчисисиз деб гувоҳлик берганмиз. Сиз эса бизга ўлжадан юбормадингиз, биз ортимиздагилар учун кўприкмиз деди. Шунда

﴿يَسْتُونَ عَلَيْكَ أَنْ أَسْلَمُوا قُلْ لَا تَمُنُّوا عَلَى إِسْلَامِكُمْ بَلِ اللَّهُ يَمُنُّ عَلَيْكُمْ أَنْ هَدَيْكُمْ لِلْإِيمَنِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ﴾

«Улар сизга мусулмон бўлганларини миннат қилурлар. Айтинг: Сизлар менга мусулмон бўлганларингизни миннат қилманглар. Балки агар (имонингларда) содиқ бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилур» [Хужурот 17] ояти нозил бўлди.

Тулайха хандақда гуруҳларга гувоҳ бўлган кишилардан эди. Араблар муртад бўлгач, Тулайха ва унинг Зохия аҳлидан бўлган укаси ҳам муртад бўлди. Абу Бакр Сиддиқ ﷺ даврида Нажд ерида Пайғамбарликни ва унга Жаброил ваҳий олиб келаётганини даъво қилди. Тулайха билан мусулмонлар ўртасида бир неча воқеалар бўлиб ўтди. Холид ибн Валид иккаласига Собит ибн Арқам ва Аккоша ибн Мұҳсинни элчи қилиб юборди. Шунда Тулайха улардан бирини ўлдирган бўлса, укаси иккинчисини ўлдирди. Натижада Холид улар билан Самийро ва Бузоха деган жойда жанг қилди. Холид билан бирга Уяйна ибн Ҳасан бор бўлиб, уруш пайти яқинлашгач, у Тулайханинг олдига келиб, сенга Жаброил келдими деб сўраган эди, у йўқ деб жавоб берди. Уяйна саволини икки марта тақрорлаган эди, барчасида йўқ деб жавоб берди. Шунда Уяйна унга муҳтоҷ бўлганингда ташлаб кетибдида деди. Тулайха эса: Ўз ҳаётингиз учун жанг қилинг, динга келсак, дин йўқ деди. Холид эса, уларни тор-мор қилди ва Аллоҳ Таоло Тулайхани хор қилди. Натижада у қочиб, Шомга борди. Абу Бакр вафот этгунича ғассонийлар олдида қолди. Ривоят қилинишича, Тулайха дўстларининг мағлубиятини кўргач, ҳолингизга вой бўлсин, сизларни нима мағлубиятга учратди деб сўраган эди,

улардан бири буни сенга мен айтиб бераман. Бизнинг мағлуб бўлишимизга сабаб бўлган нарса шуки, биз ҳар биримиз шеригим мендан олдин ўлса эди дейишади. Лекин биз шундай қавмга йўлиқдикки, уларнинг ҳар бири шеригидан олдин ўлишни хоҳлашади, деди.

Шундан кейин Тулайха яна Исломга қайтди ва эҳром кийган ҳолда Маккага келди. Умар  уни кўриб: Эй Тулайха сен икки солиҳ кишилар Аккоша ва Собитни ўлдирганингдан бери сени ёмон кўраман. Чунки улар Холид ибн Валиднинг энг илғор аскарларидан эди, деди. Шунда Тулайха деди: Эй мўминлар амири, Аллоҳ у иккисини мени қўлим билан ҳурматлади, лекин мени уларнинг қўли билан хорламади. Барча уйлар ҳам муҳаббат асосида қурилмаган. Лекин ҳар бир нарса оппоқ сахифадан бошланади. Баъзида одамлар бир-биридан нафратлансалар ҳам қўл бериб кўришадилар. Тулайха шундан кейин Шом тарафга жиҳод қилиш учун кетди. Сўнг Ярмук ҳамда айрим Форс урушларига қатнашди. Тулайха жангдаги довюраклиги, жасурлиги ва урушни яхши билиши туфайли минг отлиқдан яхши эди. Тулайханинг Исломи соф Ислом бўлди ва у ношукрлик қилмади. У мусулмонлар билан бирга Қодисия ва Ноҳаванд жангларида қатнашди. Умар урушда Тулайха билан маслаҳатлашинглар, лекин унга бирон нарсада ваколат берманглар, деб ёзган эди. Тулайха йигирма биринчи йили Ноҳавандда Нўъмон ибн Муқаррин, Амр ибн Маъдий Кааблар билан бирга шаҳид бўлди. □

КАНАР ОРОЛИДАГИ ГЕЙ ФЕСТИВАЛ ДУНЁДА МАЙМУНЧЕЧАК ТАРҚАЛИШИГА САБАБ БҮЛДИ

Британиянинг Daily Mail газетасига кўра, Канар оролида 80 минг киши иштирокида бўлиб ўтган улкан гей фестивал дунёда «маймунчечак» тарқалишига сабаб бўлгани тахмин қилинмоқда. Канар ороллари соғлиқни сақлаш идоралари «Maspalomas Pride» фестивалининг дунёда маймунчечак тарқалишига алоқадорлигига доир текширув олиб борилаётганига изоҳ бериб, иштирокчилар орасида Британиядан ва бутун Европадан келган минглаб одамлар борлигини таъкидлади. Газетада қўшимча қилинишича, Испания, Италия, Франция, Германия ва Кўшма Штатларда маймунчечак вирусини юқтиргани тасдиқланганларнинг бир қанчаси фестивалда қатнашганлар бўлган. Ушбу фестивал ҳар йили 5 майдан 15 майгача ўтказилади ва унга бутун дунёдан ўн минглаб зиёратчилар келади. Тахминларга кўра, фестивал иштирокчилари ўз мамлакатларига қайтишгач, касалликни юқтириб одамлар орасида тарқатишган. Ҳозир айни шу фараз текширилмоқда. Соғлиқни сақлаш идораларида манба Испаниянинг EL País газетасига берган инъерюсида: «Мадридда вирус ташхиси қўйилган 30га яқин кишининг кўпчилиги ушбу тадбирда иштирок этган», деб айтди. Рейтер агентлиги маълумотларига кўра, касаллик ташхиси қўйилган одамларнинг ҳаммаси эмас, баъзилари гейлардир. Ўз навбатида, Бирлашган Қиролликнинг соғлиқни сақлаш хавфсизлик агентлиги Британия ва Европада кузатилган сўнгги ҳолатларнинг муҳим қисми «гей ва бисексуал эркаклар» эканлигини айтди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, касаллик одамдан одамга яқин жисмоний алоқа, шунингдек, жинсий алоқа орқали юқиши мумкин.

Ал-Ваъй: Бу – ҳаёсиз ғарб ҳазоратининг меваларидан биридир. У бирон бир ҳаромга чақирмасдан, гуноҳни содир этмасдан, ёмонликни тарқатмасдан ва фахш ишларни зийнатламасдан ташлаб қўймайди... Ҳатто унинг ҳаёт ҳақидаги бузғунчи тушунчалари тарқалиши натижасида бутун дунё булғанди. Дунёни ундан тозалаш деярли умуминсоний, аниқроғи, Ислом Умматининг вазифасига айланди. Росууллоҳ  бугун дунёда тарқалаётган бундай касаллик ва ваболардан халқларнинг ҳалокати ва заволга юз тутишини баён қилган ҳадиси шарифларида Ўз Умматини огоҳлантирганлар. Абдуллоҳ ибн Умар дан ривоят қилинади: Росууллоҳ  ҳузуримизга келиб айтдилар:

«كَيْفَ أَنْتُمْ إِذَا وَقَعَ فِيْكُمْ حَمْسٌ؟ وَأَعُوذُ بِاللّٰهِ أَنْ تَكُونُ فِيْكُمْ أَوْ تُدْرِكُوهُمْ: مَا طَهَرَتُ الْفَاحشَةُ فِيْ قَوْمٍ قَطُّ يَعْمَلُ بِكَا فِيهِمْ عَلَيْنِيَّةً إِلَّا طَهَرَ فِيهِمُ الطَّاعُونُ وَالْأَوْحَادُ وَالْأَوْجَاءُ الَّتِي لَمْ تَكُنْ فِيْ أَسْلَافِهِمْ، وَمَا مَنَعَ قَوْمَ الرِّكَاهِ إِلَّا مَنَعُوا الْقُطْرُ مِنَ السَّمَاءِ وَلَوْ لَا الْبَهَائِمُ لَمْ يَعْلَمُو، وَمَا يَجِدُ قَوْمُ الْمُكَبَّلَ وَالْمُبَيَّنَ إِلَّا أَخْدُوا بِالسَّبِيلِ وَشَدَّدَ الْمُؤْمَنَةَ وَحَوَرَ السُّلْطَانَ، وَلَا حَكْمٌ أُمَرَأُهُمْ بِعِيرَ مَا أَنْزَلَ اللّٰهُ تَعَالَى إِلَّا سُلْطَانُ اللّٰهُ عَلَيْهِمْ عَدُوُهُمْ فَاسْتَنَدُوا بَعْضًا مَا فِيْ أَيْمَانِهِمْ، وَمَا عَطَلُوا كِتَابَ اللّٰهِ وَسُنْنَتِ نَبِيِّهِ  إِلَّا جَعَلَ اللّٰهُ بِأَسْهَمِ بَيْتِهِ»

«Бошингизга беш нарса тушса ҳолингиз не кечаркин?! Мен ўшандай кунда бўлишинглардан ёки ўша кунга етиб боришинглардан Аллоҳдан паноҳ сўрайман: Қайсики қавм аввал очиқасига қилинмаган фаҳш ишлари билан очик шуғулланадиган бўлса, уларда ажоддларида бўлмаган ўлат ва касалликлар кўпаяди. Қайсики қавм молларидан закот бермаса, ёмғирдан маҳрум бўлади. Зоро, ҳайвонлар бўлмаганда, ёмғир мутлақо ёғмай қўяр эди. Қайсики қавм тарози ва ўлчовдан уриб қолса, қаҳатчилик ва тақчилликка ҳамда ҳокимлар зулмига дучор бўлади. Агар ҳукмдорлари Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритмаса, уларнинг устидан душманларини ҳукмрон қилиб қўяди. Шунда ўша душманлар уларнинг қўлидаги бойликларини тортиб олади. Агар Аллоҳнинг Китоби ва Росуули  суннатларини бекор қиласидиган бўлсалар, Аллоҳ уларнинг баъзиларини баъзиларига душман қилиб қўяди». □

ПУТИННИНГ СУРИЯДАГИ ШАФҚАТСИЗ УСЛУБЛАРИ УКРАИНАДА ҲАМ ТАКРОРЛАНМОҚДА

Британиянинг The Independent газетаси нашр қилган мақолада унинг мұаллифи Рич Хол Россия үтган феврал ойида Украинаға қарши кенг қамровли ҳужум қилганида Farb дүнёси пойтахтлари биринчи навбатда журъатдан, иккинчидан шафқатсизликдан ҳайратта тушиб қолганини ёзди. У бундай дейди: «Владимир Путин Украинаға бостириб кирганидан кейин, Европа ҳукуматлари назарida халқаро сақнадаги ҳамкордан «ташландик» шахсга айланди. Суриялеклар Украинада уларнинг кўз ўнгидаги содир бўлган воқеалардан ажабланмадилар. Улар бундай шафқатсизликларга аввал ҳам ўз юртларида гувоҳ бўлишган. Масалан, аҳоли пунктларини оммавий вайрон қилиш... касалхоналарни бомбалаш... тиббий хизмат кўрсатаётган шахсларни, шунингдек, кўп сондаги тинч аҳолини қочишга мажбур қилиш учун инфратузилмани нишонга олиш... психологияк муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлган қамал... озиқ-овқат ва дори-дармон етишмовилиги... буларнинг ҳаммаси Суриядаги бўлди. Бир жойга ҳаво ҳужуми амалга оширилса, айни ўша жойга қайта ҳаводан ҳужум қилинди ва бу ҳужум Суриядаги икки томонлама зарба, деба танилди. Қўшма Штатларнинг таъкидлашича, Россия Украинадаги рус кучларини бошқариш учун Александр Доверниковни тайинлади. Суриядаги интервенциянинг биринчи йилида, яъни 2015 йил сентябрдан 2016 йил июнигача Россия кучларини айни шу Доверников бошқарган».

Мұаллиф Украинада яшовчи суряялеклардан бирининг айтган гапларини келтиради. Бу суряялек Украинада бўләётган воқеалардан бутун дунё ҳайратта тушганидан ажабланганини ва ғазабга келганини айтиб бундай дейди: «Улар нима учун ҳайратта тушишди?! Бу юрт Европа мамлакати бўлгани учунми?!... Сурия бу усулларнинг барчаси учун лаборатория бўлди, бугун бу усуллардан Украинада фойдаланишмоқда». Унинг айтишича, Россия ва Сурия режими кучлари Ҳалаб шаҳрини қамал қилган пайтда ўзининг оиласи зарбаларга учраганида Россия ҳужумларининг шафқатсизлигига гувоҳ бўлган. У бундай дейди: «Россиянинг Украинаға қарши ҳужумига гувоҳ бўлиш «битта фильмни қайта кўришга ўхшайди. Россия армиясининг раҳм-шафқати остида яшаш, доимий хавфда яшаш, шунингдек, доим уйсизлик ва ўлим ҳақида ўйлаш демактир. Аслини олганда, Россия бомбардимонлари остида яшаш шуни англатадики, сиз қачон бир жойни хавфсиз деб ўйласангиз, у жой жуда хавфли бўлади. Биз бунинг Мариуполда юз берәётганини кўряпмиз». Мақола мұаллифи хulosса қилиб бундай дейди: «Сурия ва Украина ўртасида очиқ кўриниб турган ягона фарқ шуки, Путин Украинаға бостириб кирганида Европа ва Америка бутун дунёни унга қарши сафарбар қилди ва унга санкциялар жорий қилишди. Сурияга нисбатан айни шу нарсани қилишмади».

Ал-Ваъй: Ҳа, Америка ва Европа Сурияга нисбатан бундай қилишмади. Чунки Сурияда юз берәётган ишлар ортида турганлар уларнинг ўзларидир. Россиянинг аралашуви 2015 йил 30 сентябрда Обама билан Путин Нью-Йоркда, БМТ бош ассамблеяси йигини асносида учрашганидан кейин содир бўлди. Обама ундан олдин Башар Асаднинг бир кечада қулашини кутаётганини айтган эди. Бу аралашув билан у қутқариб қолинди ва Суриядаги мусулмонларга нисбатан энг жирканч қирғинлар содир этилди. Бугун Америка фитнаси Украинаға кўчди, бироқ бу сафар фитна Россияга қарши ўюштирилди. Аллоҳдан ёмон макр-хийла фақат ўз эгаларини ўраб ҳалок қилишини сўраб қоламиз. □